



Ойбек Абдурасулович Кличев

Бухоро давлат университети Тарих кафедраси катта илмий ходим изланувчиси. “Рус сиёсий агентлиги ёзишмалари Россия – Бухоро муносабатларини ўрганиш манбаси” мавзусидаги докторлик диссертациясига доир 30 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари Ўзбекистон, Россия, Германия, Австрияда chop этилган. Тадқиқотчининг “Россия илмий жамиятларининг Бухоро амирлигидаги фаолиятига доир ёзишмалар” номли монографияси (2016 й) ҳамда “Бухоро архив иши тарихи” (2015 й ҳаммуаллифликда) рисоласи нашр этилган.

ISBN 978-9943-3836-3-0



9 789943 383630

75. IV
K 50



О.А.КЛИЧЕВ

**БУХОРО АМИРЛИГИ
ДЕВОНХОНАСИДА ФОЙДАЛАНИЛГАН
ФАБРИКА ҚОҒОЗЛАРИ
(XIX аср охири - XX аср бошлари)**





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“БУХОРО МЕРОСИ”
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

ОЙБЕК КЛИЧЕВ

**БУХОРО АМИРЛИГИ ДЕВОНХОНАСИДА
ФОЙДАЛАНИЛГАН ФАБРИКА
ҚОҒОЗЛАРИ
(XIX аср охири - XX аср бошлари)**

**Тошкент
«НАВРУЗ»
2016**

УДК: 54.8.3
ББК 75.10(5933)
М50

Рисолада XIX аср охири XX аср бошларида Буҳоро амирлиги девонхонасида фойдаланилган фабрика қоғозлари ва уларнинг ўзинга хос хислатларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ушбу турга мансуб бўлган ва расмий идоравий ҳужжатларни тайёрлашда ишлатилган қоғозларни ўзаро фарқлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Архив материаллари асосида тайёрланган мазкур рисола XIX аср охири XX аср бошларида Буҳоро амирлиги тарихи ва ушбу тарих аср этган қўлзма ҳужжатларини ўрганиш билан шугullanувчи манбашунослар, тарихчилар, ўлкашунос ва архившуносларга мўлжалланган.

Особое внимание обращено на специфические свойства фабричной бумаги и её использование в канцелярии Бухарского эмирата в конце XIX и начале XX вв. А также разработаны методы выявления различий бумаги, которая использовалась при подготовке официальных документов учреждений.

Данное издание, подготовленное на основе архивных документов, предназначено для широкой аудитории, учёных-источниковедов, историков, краеведов и архивных работников, занимающихся изучением истории Бухарского эмирата в конце XIX и начале XX вв. и письменных документов, отражающих эту историю.

In the brochure the special attention is paid to the manufactured papers used in the chancellery of the Emirate of Bukhara in the end of XIXth and the start of XXth and the analysis of their peculiarities. Also the skills of differing the papers used in the official administrative documents are introduced.

The brochure is prepared on the basis of archive materials and directed at the sources' scientists, historians and archivists studying the history of the Bukhara emirate in the end of XIXth century and end of XXth century.

Маъруза мухаррири:

Тарих фанлар доктори **Х. Турмис**

Тақритчилар:

Тарих фанлар номзоди, доцент

М.Г. Курбонова

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ Қўлзмалари марказий

Консервация ва Ўстараши бўлими бошлиғи

Ш. Тулатов

Мазкур тадқиқот "Бухоро вилоятида ёшларнинг маданий мерос соҳасидаги
билимларини ошириш" янги тасудаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
қўриқлов жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-
қувватлаш жамият фондининг гранти доирасида (2015-2016 йиллар) наизга
тайёрланди

РЕГИСТРАЦИЯ 0147
2016 y

ISBN 9789943383630

КИРИШ

Мустақиллик ҳалқимиз томонидан яратилган ҳамда бугунги кунга қадар етиб келган моддий ҳам маънавий мерос намуналарини ҳолис ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида ўрганиш имкониятини берди. Ҳалқимиз томонидан яратилган қўл ёзма манбалар ва уларнинг мамлакатимиз тарихини ўрганишдаги аҳамиятини тадқиқ этиш ниҳоятда муҳим масалалардан биридир. Зеро, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек "Тарихимиз - битмас-туганмас хазина, биз учун чексиз гурур манбаи"¹. Шунингдек, юртимиз узоқ ва шу билан бирга серқирра тарихга ва бу хусусда маълумот берувчи ёзма манбаларга эга мамлакатдир.

Аждодларимиз томонидан яратилган ушбу ёзма манбаларни тадқиқ қилиш ва улардаги маълумотларни таҳлил этиш, бугунги кун манбашунос ва тарихчи олимлар олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади. Тарихий тараққиётнинг барча босқичларида яратилган маънавий меросимизнинг асосий қисми ёзув қоғозида ёзилган ва бизгача етиб келган. Шарқ оламида машҳур қоғозларнинг бир қисми Самарқанд, Бухоро ва Қўқон шаҳарларидаги сув тегиримонларида тайёрланган. Ушбу қоғозлар ўз даврида сифати, араб имлосидаги ҳарфларнинг ёзилишидаги қулайлиги жиҳатидан хаттот, мунший, котиб ва мирзолар эътирофига сазовор бўлган. XIX аср охири XX аср бошларида содир бўлган тарихий воқеа ва ҳодисалар эса ушбу даврда кенг истеъмолда бўлган Россия фабрика қоғозларида ёзилган.

Рисолада Ўрта Осиёда тайёрланган қоғозлар, уларнинг турлари ва тайёрланиш техникасини ўрганишда А.Вамбери, П.И.Пашино, А.Федченко, В.Вяткин, К.Зотов, Р.Г.Мукминова, М.М.Абрамов, Э.А.Ахунжанов, Н.Н.Хабибуллаев, Э.М.Исмаилова, А.Каттабоев, Г.Остонова, Л.Холназарова, М.Салимов² изланишларидан, ҳамда бевосита Россия фабрика

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий савдатдир. Т.:Ўзбекистон, 2015.-С.116.

² Вамбери А. Путешествию по Средней Азии. Санкт-Петербург, Издание А.И.Мамонтова, 1865. 222 с. Пашино П.И. Туркестанский край в 1886 году Путевые заметки. С-Петербург. Тип Тиблена и К°, 1868. 176 с

когозлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларига доир Н.П.Лихачёв, А.Бахтиаров, В.К.Разводовский, И.Т.Малкин, С.А.Клепиков, З.В.Учиткина Д.П.Татиевларнинг¹ маълумотларидан унумли фойдаланилди.

Федченко А. Обжувз - писчебумажная фабрика в Кавканде / Туркестанский сборник. Т.57. Спб.Типография Министерство Путей Сообщения, 1873.-С.413-418. Валикин В. Бухарский книжный рынок // Туркестанские ведомости.1897. №61,62,64 сентябрь. Зотов П.Д. К истории бумажного производства на востоке // Труды Института Востоковедения АНУзССР вып 3.-Ташкент, 1954.-С.155-166; Шу муаллиф. К вопросу о "шелковых бумагах" // "Общественные науки в Узбекистана".1961. №9. -С.48-54. Мукминова Р.Г. К истории производства Самаркандской бумаги История материальной культуры Узбекистана вып 5 Т.: Наука, 1964.-С.155-160; Шу муаллиф. Очерк по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Т.: Фан, 1976. 236 с. Абрамов М.М. Самарканд коғоз тарихи // "Фан ва турмуш". №4.1969. -Б.34-35. Ахунжанов Э.А. Книга и книжное дело в Узбекистане: Обзор и указел источников и литературы по книжному делу в Узбекистане (1875-1977 гг). Т.: "Узбекистан",1978. 67с; Шу муаллиф. Письмо и книга: Из истории письменности и рукописной книги в Средней Азии. Т.: Узбекистан, 1983.75с; Шу муаллиф. Письменная и книжная культура Узбекистана. Древность. Средние века. Книга 1. Т.:Milliy kutubxona, 2015. 403с. Хабибуллаев Н.Н. О производстве писчей бумаги в Средней Азии конца XIX - начала XX века. // "Общественные науки в Узбекистана". №11. 1981. - С.51-54; Шу муаллиф. Унсиз гувоҳ (ёки Кўкон коғозининг шухра) // "Фан ва турмуш". 1981.№6. -Б.20-22.; Шу муаллиф. Ўрта Осиёда коғоз ишлаб чиқариш тарихи. Т.: Фан, 1992. 98 б; Шу муаллиф. Из истории письменности и рукописной книги народов Узбекистана (IX-начало XX в.). Ташкент, 2008.142 б; Хабибуллаев Н., Валиев А., Махмудова Б. Коғоз ишлаб чиқариш тарихидан // "Мозийдан садо". №4. 2009 -Б.17-18. Исмаилова Э.М. Из истории оформления среднеазиатской рукописной книги XIX века // "Общественные науки в Узбекистана".1991.№4.-С. 51-55. Қонтабоев А. Ўзбекистон китоб наشري тарихига доир // "Общественные науки в Узбекистана". 1998. №2. -С.43-45. Остонова Г. Бухородаги кўлэмалар бозори // "Имом Бухорий сабоқлари". 2004. №3.-С.204-206. Хафазарова Л. Бухоро амирлигида китобат санъати // "Мозийдан садо". 2010. №1.-С.11-12. Салимов М. Коғоз / Шарк кўлэмалари хаитиниси. Тошкент: 2012.-Б.118-121; Шу муаллиф. Методы реставрации листов на бумажной основе. Т.: Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навоий, 2015. 28с; Шу муаллиф. Самарканд машхур коғозининг сирин // Infolib.Тошкент, 2015.№3.-Б.78-81.

¹ Лихачёв Н.П. Бумага и древнейшая бумажная мельница в Московском государстве // Записки императорского Русского археологического общества. Т.V. Новая история. Санкт-Петербург. Типография Императорской Академии Наук, 1892.-С.237-329. Бахтиаров А. История бумажного листа (историко-технический очерк). СПб.: Народное образование, М.: 1905.48с. Разводовский В.К. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов Туркестанском крае. Т.:Типография при канцелярии Туркестанского генерал-

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг XIX аср охири - XX аср бошларидаги тарихи бир неча турдаги ёзма манбалар асосида ўрганилиб келинмоқда. Бу турдаги манбалар орасида қўлёзма асарлар ва расмий идоравий ҳужжатлар кўпчиликини ташкил этади.

Ушбу даврга оид архив ҳужжатларининг таҳлили Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, қолаверса Ўрта Осиё минтақасида ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлиги тизимида кирувчи ташкилот ва идора девонхоналари ўртасида олиб борилган муносабатлар асосан мактуб алмашуви воситасида олиб борилганлигини кўрсатди. Бу эса ўз навбатида ушбу муассасаларда ёзув қоғозига бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Натижада қоғоз тайёрлашнинг ўзига хос анъанасига эга Ўрта Осиё минтақаси мазкур даврда асосан Россия фабрикаларида тайёрланган қоғозлардан фойдалана бошлади.

Бухоро амирлиги девонхонасидаги қўлёзма манбалар тадқиқи шуни кўрсатдики, амирлик маъмурияти ҳам ўз ҳудудида, ҳам давлатлараро муносабатларни олиб боришда Россия фабрикаларида тайёрланган қоғозлардан фойдаланган. Бухоро амирлиги девонхонасида XIX аср охири XX аср бошларида фойдаланилган қоғозлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган.

Ушбу тадқиқотнинг муҳим аҳамияти, унда Бухоро амирлиги девонхонасида фойдаланилган фабрика қоғозлари, уларнинг тури ва бир-биридан фарқлаш усулларининг ишлаб чиқилганлигидадир. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг И-126.- Бухоро амирлиги қўшбегиси канцелярияси фонди, И-3.-Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги фонди, Бухоро давлат бадий-меъморчилик музей-қўриқхонаси

губернатора. 1916. 58с. *Малкин И.Т.* История бумаги. М.: Издательство АН СССР, 1940.192с. *Клетиков С.А.* Филигранные и штампы на бумаге русского и иностранного производства XVII-XX вв.М.: Изд-во Всесоюзной Книжной палаты, 1959.-306. *Участкина З.В.* Развитие бумажного производства в России. М.: Издательство Лесная промышленность, 1972. 256 с. *Татиев Д.П.* Бумага и переплетные материалы.М.:Книга, 1972.152 с. Бумажная промышленность СССР 1917-1957 / под редакцией К.А.Вейнова. М.: ГОСЛЕСБУМИЗ ДАТ, 1958. 256 с.

хузуридаги Араб қўлёзмаларни ўрганиш Маркази фондларида сақланган фабрика қоғозлари комплекс тарзда ўрганилди.

Тадқиқот доирасига тортилган фабрика қоғозларни ўрганиш натижасида, амирлик ҳукумати томонидан фойдаланилган қоғозларни ўзаро тури, бичими, қалинлиги, ранги, қандай мосламда тайёрланганлиги, қоғозлардаги махсус белгиларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг сақланиш ҳолатини фарқлаш усуллари ишлаб чиқилди. Бу эса ўз навбатида мазкур давр ёзма манбалари тадқиқи билан шугулланувчи манбашунос ва тарихчиларга XIX аср охири XX аср бошларига оид қўлёзма ҳужжатларнинг палеографик ва дипломатик хусусиятларни аниқлашда кўмак беради.

I Боб

**БУХОРО АМИРЛИГИ ҚЎШБЕГИСИ ВА
РУС СИЁСИЙ АГЕНТЛИГИ ЁЗИШМАЛАРИДА
ФОЙДАЛАНИЛГАН ФАБРИКА ҚОҒОЗЛАРИ**

1.1. Қоғоз тайёрлашнинг қисқача тарихи

***1.2. Россия қоғозлари ва унинг Ўрта Осиёга
кириб келиши***

I Боб. Бухоро амирлиги қўшбегиси ва Рус сиёсий агентлиги ёзишмаларида фойдаланилган фабрика қоғозлари

1.1. Қоғоз тайёрлашнинг қисқача тарихи

Рус: сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги ҳукумати ўртасидан олиб борилган ёзишмаларда фойдаланилган асосий ёзув қуроли бу албатта қоғоз¹ ҳисобланади. Инсоният тараққиёти жамият ривожланиши учун керак бўлган турли хилдаги предметларнинг такомиллашишиб боришини таъминлайди. Азалдан инсон фаолияти, унинг ютуқлари бугунги кунга келиб маънавий мерос намунаси сифатида қаралиб келинаётган қўлёзма асарлар ва китобларда ўз аксини топган. Ушбу манбаларнинг яратилиши ва бугунги кунга қадар етиб келиши учун албатта ёзув ва ёзув қуролларининг ўрни каттадир. Булар орасида ёзув қоғози, унинг тайёрланиши ва бу йўналишнинг такомиллашиши ҳам инсоният тамаддунининг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир.

Мисолуки, қоғоз тайёрлаш технологияси қадимги Хитойда пайдо бўлди. Турли тарихий жараёнлар ва халқларнинг ўзаро сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқалари натижасида қоғоз

¹ Қоғоз - бу сўз Ш.С. Камолитдинов тадқиқотида қуйидагича шарҳланган - Араб, форс ва туркий тиллардаги "қоғаз" ёки "қоғиз" сўзининг келиб чиқиши ҳали аниқланмаган. Олим бу сўз "қайиб" - шаклида сўгд тилида учрайди, лекин унинг келиб чиқиши сўгд тили билан боғлиқ эмас. Қадимги туркий тилдаги битикларда ва уйғур матнларда "қоғиз" қоғоз сўзидан ташқари қибиз - "шолча", "тадос" қоғиз - "гилам", кепаз - "пахта" ва қийиз - "қизил" сўзлари ҳам учрайди. Бу сўзларнинг асоси "қизил" тушунчаси ётади. Чунки қизил ишлаб чиқариш маданияти жуда ҳам қадимий бўлиб келган. Бизнингча қайиб("қоғоз") сўзининг келиб чиқиши ҳам қизил билан боғлиқ. Туркий тилдан бу сўз согд тилига, кейин эса араб ва форс тилига ўтган. Қаранг: Ибн Хавқал. Мовароуннахр / Ибн Хавқал; араб тилидан таржима ва изиҳлар муаллифи тарих фанлари доктори, профессор Ш.С. Камолитдин, масъул. муҳаррир Ф.С. Ҳасанов. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2011.-С102. Э.А. Ахунжанов ўз тадқиқотларида эса бу сўз сўгдча - kagsiak (қоғоз) сўзидан келиб чиққанлигини таъкидлайди. Олим бу сўз IX асрда янги форс ва тожик тилларида ишлатилган ҳамда форсий қоғоз сўзининг архаик варианты сифатида қабул қилинганлигини қайд этади. Қаранг: Ахунжанов Э.А. Письменная и книжная культура Узбекистана. Древност. Средние века. Книга I. Т.: 2015. Milliy kutubxona, -С.145.

тайёрлаш усуллари ҳам бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ўтди ва бу соҳанинг такомиллашувига олиб келди. Натижада, Хитойда II асрда яратилган махсус ўсимлик толаларининг сувли бўтқасини турдан ўтказиш орқали қоғоз тайёрлаш усули VI асрда Японияга, VI-VIII асрларда эса Осиё минтақасига тарқалди⁵. Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш, айниқса, Самарқандда ривожланган. VIII аср охири IX аср бошларида шарқ ренессанси марказлари ҳисобланган Дамашқ ва Боғдодда, X асрда Яманда, X аср ўрталарида Мисрда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди⁶.

Қоғоз тайёрлаш усули Испанияда XI асрда, Италияда XI-XIII асрда, Франция ва Германияда XIV асрда, Польшада XVI асрда, Голландияда XVII асрда, Россияда эса XVIII асрда такомиллаштирилган⁷. Агар II асрда қоғоз Хитойдаги майда устахоналарда қўл меҳнати натижасида тайёрланган бўлса, XIX аср охири XX аср бошларига келиб қоғозлар асосан машиналашган йирик завод ва фабрикаларда ишлаб чиқарилган.

Қоғоз тайёрлашда асосан шаҳарлар яқинидаги сув тегирмон-устахоналаридан фойдаланилган. Жумладан, шарқ мамлакатлари, айниқса, Ўрта Осиёдаги Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Тошкент, Ҳирот шаҳарлари, Ҳиндистондаги Давлатобод, Эрондаги Табриз, Мисрдаги Қоҳира, Суриядаги Дамашқ, Хомс, Ироқдаги Боғдод шаҳарларидаги устахоналарда қоғоз тайёрланган⁸.

Европада эса Валенсия Таледо, Шатив каби Испания шаҳарлари, Италиянинг Фабриано, Тоскано, Пемонт, Венеция, Франциянинг Труа, Ларошел, Лимож, Руан, Лион, Париж шаҳарларида, Германиядаги Робенсбург, Нюренберг, Аусбург, Швейднис, Полшадаги Газдова, Свенчис, Новина, Анданк, Голландиянинг Амстердам шаҳарларида ҳамда Россиянинг

⁵ *Ҳабибуллаев Н., Валиев А., Махмудова Б.* Қоғоз ишлаб чиқариш тарихидан // Мозийдан сано. №4. 2009. – Б.17.

⁶ *Малкин И.Т.* История бумаги. М.: Издательство АН СССР, 1940. – С.28. *Зотов К.* истории бумажного производства на востоке // Труды Института Востоковедение АНУзССР вып 3. – Ташкент, 1954. – С.159.

⁷ *Лихачёв Н.П.* Бумага и древнейшие бумажные мельницы в Московском государстве // Записки императорского Русского археологического общества. Т.V. Новая история. Санкт-Петербург. Типография Императорской Академии Наук. 1892. – С.237-329.

⁸ *Зотов П.Д.* К истории бумажного производства на востоке // Труды Института Востоковедение АНУзССР вып 3. – Ташкент, 1954. – С.156-166.

Москва, Петербург, Ярослав, Калуга каби шаҳарларда қоғоз тегиримон ва мануфактуралар ташкил этилган эди¹.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, XIX-XX асрларга оид Бухоро амирлиги тарихи маҳаллий Самарқанд, Қўқон, Тошкент шаҳарларида тайёрланган қоғозлар билан бирга асосан Россия фабрикаларида ишлаб чиқилган турли хил ва навдаги қоғозларда битилган.

Асрлар давомида устахоналар ва мануфактураларда қоғоз тайёрлаш технологияси такомиллашиб борган. Буни қоғоз тайёрлашда фойдаланилган хом-ашёлар, қоғоз олиш, уни қуришни ва тайёр маҳсулотга айлантириш каби жараёнларнинг ўзига ҳослигида намоён бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Агар Ўрта Осиё ва шарқ мамлакатларида қоғоз учун керакли маҳсулотлар пахта ва ипак толаси, пахта момиги, ип газлама чиқиндиси, бўз кийимлар, мато-путталар, ярим каноп толалари, ва ипак, пахта, каноп аралашмасидан тайёрланган бўлса, Европада шаҳар ва қишлоқлардан йиғилган эски-туски кийимлар, ипгазлама ва жун матолари, ҳамда тоғтерак, қарагай пўстлоғлари, каноп ўсимлиги, қичитки ўтлардан қоғоз тайёрлашган².

Шуниси аҳамиятлики, шарқ мамлакатларида тайёрланган қоғозлар қаерда ва нимадан тайёрланишига кўра номланган ва турларга бўлинган. Масалан, бугун шарқ оламида машҳур Самарқанд қоғози нимадан тайёрланганлигига қараб "когази абрешим", "когази нимбрешим", шунингдек, "ҳаририй", "ним ҳаририй" деб номланган. "Султоний", "нуҳар", "хатма" каби қоғоз турлари ҳам мавжуд бўлган. "Когази абрешим", "когази иноқи" ёки "ҳаририй" деб номланган қоғозлар ипак толасидан, "когази нимбрешим", "ним ҳаририй" ёки "нимкатон" эса ипак, пахта, каноп аралашмасидан тайёрланган. Пахта толаси ва пахта момигидан олинган қоғоз эса "хатма" деб аталган. Шу билан бирга, аҳоли эҳтиёжлари ва ҳужалик ҳаётнинг бошқа жабҳалари учун унча сифати юқори бўлмаган Самарқанд қоғози ҳам

¹Лихачёв Н.П. Бумага и древнейшие бумажные мельницы в Московском государстве // Записки императорского Русского археологического общества. Т.V. Новая история. Санкт-Петербург. Типография Императорской Академии Наук, 1892.-С.237-329.

²Бахтияров А. История бумажного листа (историко-технический очерк). СПб.: Народное образование, М.: 1905.-С.45.

ишлатилган. Бу қоғозлар асосан эскирган бўз кийимлар ҳамда пахта матоларидан қоғозбоп бўтқа тайёрлаш ва уни махсус идишга қуйиш орқали олинган¹¹.

Ўрта Осиёдаги иккинчи қоғоз тайёрлаш маркази Бухоро ҳисобланган. Бу шаҳарда қоғоз ишлаб чиқариш қачон бошланганлиги унчалик аниқ эмас. Фақат Бухорода дастлабки ипак қоғозлар 1252-1253 йилларда тайёрланганлиги тўғрисида айрим маълумотлар мавжуд. Шаҳардаги Самарқанд дарвозаси яқинида "Жувози қоғоз" деб номланган гузар ҳамда Камот (Вобкент) туманида "Жувози қоғоз" канали буни яна бир бор исботлайди. Аммо бу ҳудуддаги қоғоз тайёрлаш иши Аштархонийлар даври охири Мангитлар сулоласи даврининг бошларига юзага келган сиёсий вазият натижасида тўхтаб қолган. XX асрнинг бошларида Бухорода жойлашган Ғурбун гузарида қоғоз тайёрлаш қайтадан йўлга қўйилган эди¹². Бухорода қоғоз тайёрланиши натижасида қоғоз тегирмонлари мавжуд ҳудудлар топонимикасида ушбу соҳа билан боғлиқ атамаларнинг ҳам шаклланишига олиб келганлигини кўришимиз мумкин.

XVIII-XIX асрда Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш тўхтатилгандан сўнг, ЎртаОсиёда қоғоз ишлаб чиқариш Қўқон шаҳрига кўчди. Бу қоғозлар шаҳарнинг Мўйи муборак дарвозаси яқинидаги Чорку ва Қоғазгар қишлоқларидаги қоғоз тегирмон (Об жувоз)ида тайёрлана бошлади¹³. XX аср бошларида Туркистон генерал-губернатори маркази ҳисобланган Тошкент шаҳрида ҳам қоғоз тайёрлаш йўлга қўйилган¹⁴.

Ўрта Осиё каби шарқ мамлакатларида ҳам қоғозлар улар тайёрланган шаҳар номи билан аталган. Буни асрлар давомида

¹¹Абрамов М.М. Самарқанд қоғоз тарихи // "Фан ва турмуш". №4.1969. –Б.34-35. Хабибуллаев Н., Валиев А., Махмудова Б. Қоғоз ишлаб чиқариш тарихидан // "Мозийдан садо". №4.2009. –Б.17.

¹² Хабибуллаев Н.Н. Из истории письменности и рукописной книги народов Узбекистана (IX-начало XX в.).Ташкент, 2008.–С.59.

¹³Федченко А. Обжуж - писчебумажная фабрика в Каханде / Туркестанский сборник. Т.57. Спб.Типография Министерства Путей Сообщения.1873.–С.413-418. Разводовский В.К. Опыт исследование гончарного и некоторых других кустарных промыслов Туркестанском крае. Т.: Типография при канцелярия Туркестанского генерал-губернатора 1916.–С.14-15.

¹⁴ Мухоминова Р.Г. Очерк по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Т.: Фан, 1976.–С.100.

фойдаланилган "Дамашқ қоғози", "Боғдод қоғози", "Давлатобод қоғози", "Табриз қоғози", "Александрия қоғози" каби шаҳар номлари¹, шу билан бирга, Сулаймоний (Хоруд ар-Рашид хазинабони Сулаймон ибн Рашид), Ал-Жаъфарий (Хорун ар-Рашид вазири Жаъфар бин Холид бин Бархний), Ал-Талхий (Тохирийлар сулоласи вакили Талха ибн Тоҳир (822-826 йй), Ан-Нўхий (Хуросондаги самонийлар хонадони вакили Нух ибн Наср (942-954 йй)) Ал Фиравий каби давлат ва жамоат арбоблари номлари берилган қоғозларда кўришимиз мумкин².

Қоғоз тайёрлашда маълум ютуқларга эришган Европа давлатларида ушбу маҳсулот асосан Осиёдаги каби қоғоз тайёрланган шаҳар номлари билан аталмасдан, балки шу мамлакат номи билан юритилган. Яъни улар Испания, Италия, Франция, Германия, Польша, Голландия, ва Россия мануфактура ва фабрика қоғозлари деб юритилган. Ушбу қоғозлар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга олиб келиб сотилган. Масалан, Англияда Италия ва Франция қоғозлари сотилган бўлса, Россия бозорларига Франция Германия ва Голландия қоғозлари олиб келинган.

1.2 Россия қоғозлари ва унинг Ўрта Осиёга кириб келиши

XVII-XIX асрлар давомида Россияда қоғоз мануфактура ва фабрикаларининг ташкил этилиши натижасида бир неча тур ва хилдаги қоғоз маҳсулотлари тайёрланди. Ушбу маҳсулотларнинг асосий қисми Ўрта Осиё бозорларида харидоргир товарга айланди. Зотан, ушбу даврда Ўрта Осиёдаги ижтимоий ва сиёсий вазият Самарқанд ва Бухоро каби қоғоз ишлаб чиқариш марказларида қоғоз тайёрлаш ишларининг тўхтаб қолишига олиб келган эди. Қўқон ва кейинчалик Тошкент шаҳарларидаги қоғоз устахоналари эса ҳудуднинг қоғозга бўлган барча эҳтиёжларини қондири олмади, қолаверса, Россия фабрикаларида тайёрланган маҳсулот ҳам сони, ҳам сифати жиҳатидан устун эди.

¹Зотов П.Д. К истории бумажного производства на востоке // Труды Института Востоковедения АНУзССР вып 3.-Ташкент, 1954.-С.156

²Ҳабибуллин Н. Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш тарихи.Т.: Фан, 1992.-Б.46.

Ўрта Осиё бозорларига кириб келган рус мануфактура ва фабрика қоғозларининг қисқача тарихига назар соладиган бўлсак, Россиядаги қоғоз ишлаб чиқариш иши дастлаб, 1655 йилда йўлга қўйганлигини таъкидлашимиз мумкин. Бунга патриарх Никон бошчилик қилган бўлиб, Россиядаги биринчи қоғоз тегирмони Москва яқинидаги Пахре дарёси яқинида қурилган эди. Аммо дарё тошқинлари натижасида қурилган бу устахона бир неча маротаба бузилади. Шундан сўнг ҳукумат бу устахонани 6 йиллик муддатдаги ижара асосида 1659 йилда Москва почтаси вакили Иоган ван-Сведенга топширади. Россиядаги иккинчи қоғоз тегирмони XVII асрнинг 70 йилларида Москва яқинидаги Яуз дарёси яқинида ташкил этилган. Бу тегирмон ҳам Ереме Левкебга ижарага берилган. Аммо бу икки устахона бутун давлат томонидан ишлатиладиган қоғоз эҳтиёжини қоплай олмаган. Шунинг учун Россия, Голландия ва Франция каби давлатларнинг қоғозларидан фойдаланган эди¹⁷.

XVIII асрга келиб император Пётр I ташаббуси билан Россияда қоғоз тайёрлаш иши сезиларли даражада ривожланади. Натижада, дастлаб, ушбу аср бошида Москва, Петербург ва Колуга губернияларида қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, 1799 йилга келиб бундай губерниялар сони 24 тага, 1895 йилда эса 36 тага етган. Ҳар бир губернияда 1-7 гача қоғоз ишлаб чиқариш мануфактуралари фаолият олиб борган¹⁸.

Статистик маълумотларга биноан, Россияда 1725 йилда 5 та, 1761 йилда 26 та, 1800 йилда эса 57 та қоғоз мануфактуралари фаолият юритган бўлса, XIX аср бошларига келиб эса қоғоз ишлаб чиқарувчи фабрикалар сони 64 та, 1835 йилда 134 та, 1862 йилда 162 та, 1885 йилда 180 та, 1895 йилда 206 тани XX аср бошларида эса 250 тани ташкил этган¹⁹. Бу Россияда XVII-XX асрлар давомида қоғоз тайёрлаш технологиясининг оддий қоғоз

¹⁷ Малкин И.Т. История бумаги. М.: Издательство АН СССР, 1940.—С.72.

¹⁸ Бумажная промышленность СССР 1917-1957 / подобщем редакцией К.А.Вейнова. М.: ГОСЛЕСБУМИЗ ДАТ, 1958. —С.22.

¹⁹ Бахтияров А. История бумажного листа (историко-технический очерк). СПб.: Народное образование, М.: 1905.—С.21. Бумажная промышленность СССР 1917-1957 / подобщем редакцией К.А.Вейнова. М.: ГОСЛЕСБУМИЗ ДАТ, 1958. —С.22.

тегиримонларидан қоғоз фабрикаларига қадар такомиллашиб борганлигини кўрсатади.

Россия мануфактура ва фабрикаларида тайёрланган қоғозлар бир неча турга бўлинган. Жумладан, қоғоз фабрикантлари ўзлари тайёрлаган қоғозларни беш асосий гуруҳга ажратганлар:

- 1 гуруҳ Писчая, печатная, гравировальная, копировальная, папиросная
- 2 гуруҳ Документальная, рисовальная, пергаментная
- 3 гуруҳ Пропусная и фильтрующая
- 4 гуруҳ Оберточная
- 5 гуруҳ Картон.

Ушбу гуруҳга мансуб қоғозлар бир биридан фарк қилган. Яъни бир ёзув қоғозининг ўзи 9-10 га яқин турларга бўлинган. Ушбу қоғозлар ишлатилиш соҳаси ва сифатига қараб ҳам ажратилган. Бу қоғозлар асосан идора ва ташкилотларда расмий иш юритиш учун фойдаланилган.

"Гўлча қоғози" ўзининг қалинлиги ва формати жиҳатидан фарқланса, нашр ("печатная") қоғози - ёзув қоғозидан ўзининг товуш чиқармаслиги билан ажралиб турган. Ушбу гуруҳга оид қоғозлар орасида, гравюра (гравированная бумага) қоғози - печат қоғозининг ўзига хос тури бўлиб, у гравюра ва карталар чизиш мақсадида, нусха (копировальная) олиш қоғози эса тиник, қалин ва сув ўтказмайдиган ҳамда нусха олиш учун мўлжалланган эди. Хушкўш (документальная) қоғози эса кўп ҳолларда қўлда тайёрланган, қалин ва ингичка, қайрилганда синмайдиган тури ҳисобланган.

Рисм (рисовальная), пергамент (пергаментная), ўтказувчан (пропусная), филтрловчи "филтрующая", папирос "папиросная", ўрам "оберточная", картон "картон" каби қоғоз турлари катта бичимда, юпқа ёки махсус қалинликда тайёрланган бўлиб, суюқликни филтрлаш, хом-ашё ва маҳсулотларни ўраш мақсадида лабораториялар, аптекаларда ҳамда саноат ва кундалик турмушда фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқарилган¹.

¹ Бахтияров А. История бумажного листа (историко-технический очерк). СПб.: Народное образование, М.: 1905. - С. 42-44.

XIX, XX асрларда Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлиги ва, хусусан, Бухоро амириликнинг деярли барча соҳа ва идораларида Россия фабрикаларида тайёрланган қоғозлардан фойдаланилган. Бу ҳолни қуйидагича баҳолаш мумкин:

1. Бу даврда маҳаллий Самарқанд ва Бухоро каби қоғоз устахоналарида ёзув қоғозини тайёрлаш иши деярли тўхтаб қолган эди;

2. XIX асрда ташкил этилган Қўқон ва Тошкентдаги қоғоз ишлаб чиқариш муассасалари эса қоғозга бўлган эҳтиёжни қондира олмаган. Бу қоғозлар шаҳар бозорларига кириб келган, фабрикада тайёрланган қоғозлар билан сифат жиҳатдан рақобатлашса-да, аммо сон ва нарх жиҳатдан рақобатлаша олмаган;

3. XIX аср иккинчи ярмида Ўрта Осиёда қоғозга бўлган эҳтиёжнинг ортишини Туркистон генерал-губернаторлиги тизимидаги расмий муассасалар, турли фирма ва ширкатлар фаолиятида, ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари доирасида олиб борилган идоравий ёзишмаларнинг кўпайиши билан ҳам баҳолаш мумкин.

4. Ушбу даврда Россия фабрикаларида тайёрланган қоғозлар Хива хонлиги ва Бухоро амирилик девонхоналарида маҳаллий, шу билан бирга, ҳукуматлараро ёзишмаларни олиб бориш учун асосий ёзув қуролига айланган. Бу ҳам ўз навбатида, ушбу давлатларда фабрика қоғозларига бўлган талабнинг ортишига олиб келган.

XIX — XX аср бошларида Ўрта Осиё, қолаверса, унга чегарадош давлатлар тарихига онд муҳим маълумотлар, асосан, Россия фабрика қоғозларида ёзилганлигини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланиб келинаётган асосан Бухородаги рус сиёсий агентли ва Бухоро қўшбегиси девонхона ҳужжатлари, Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси ҳамда Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузуридаги дипломатик амалдор фондларида мавжуд ёзма манбалар таҳлили Бухородаги рус сиёсий агентлиги ёзишмалари асосан фабрика қоғозларида олиб борилганлигини кўрсатди.

Бухородаги рус сиёсий агентлиги хужжатларини тадқиқ этиш жараёнида, ушбу муассаса фаолияти давомида дипломатик ва идоралараро муносабатларни асосан мактуб алмашуви йўли орқали амалга оширилганлиги аниқланди. Бу ўз навбатида ушбу мактублар қандай қоғозларда битилганлигини тадқиқ этиш заруратини олиб келди.

Демак, Бухородаги рус сиёсий агентлигининг турли масалалар юзасидан Россия империясининг бошқарув муассасалари, Туркистон генерал-губернаторлиги ва унинг таркибига кирувчи ҳудуд маъмурлари ва бевосита Бухоро амирлиги ҳукумати вакиллари ўртасида олиб борилган ёзишмалар қуйидаги қоғозлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

- Россия фабрикаларида тайёрланган қоғозлар
- Бошқа давлатлардаги фабрикаларда тайёрланган қоғозлар

Тадқиқот жараёнида XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Ўрта Осиё минтақасида маҳаллий ҳамда Россия ва дунёнинг бошқа минтақаларида тайёрланган қоғозлардан фойдаланилганлиги аниқланди. Ушбу қоғозларда битилган тарихий маълумотларни тадқиқ этиш билан бирга, қоғознинг тарихини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатимиз тарихи қусусида муҳим маълумотларни ўзида жамлаган қоғозлар ёзма манбаларнинг тарихий қимматини аниқлашда ёрдам беради.

II Боб

БУХОРО АМИРЛИГИ ВА РУС СИЁСИЙ АГЕНТЛИГИ ДЕВОНХОНАЛАРИДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ҚОҒОЗЛАРНИ ЎЗАРО ФАРҚЛАШ УСУЛЛАРИ

2.1. Қоғозларнинг ташқи хусусиятлари ва тайёрланиш техникасини аниқлаш йуллари

2.2. Қоғозлардан фойдаланиш ва уларнинг сақланиш ҳолати

БУХОРО АМИРЛИГИ
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ARM

REESTR №

942

9116

II Боб. XIX аср охири XX бошларида Бухоро амирлиги ва Рус сиёсий агентлиги девонхоналарида фойдаланилган қоғозларни ўзаро фарқлаш усуллари

2.1 Қоғозларнинг ташқи хусусиятлари ва тайёрланиш техникасини аниқлаш йуллари

Бухоро амирлиги ҳукумати ва рус сиёсий агентлиги девонхоналари томонидан фойдаланилган қоғозлар таҳлили натижасида ушбу девонхоналарда фойдаланилган қоғозларни қасрда қандай усул ва қалинликда тайёрланганлиги, қандай бичим ва турга мансублигини фарқлашда манбашунос олимлар учун зарур бўлган аниқлаш усулини ишлаб чиқишга эришилди. XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳукумати вакилларининг рус сиёсий агентлиги муассасалари билан олиб борган ёзишмаларида фойдаланилган қоғозларни бир- биридан қуйидаги жиҳатлар асосида фарқлаш мумкин.

Қоғознинг бичимига кўра. Қоғозларни бир- биридан фарқлашнинг бу турига, авваламбор, қоғознинг тайёрланган биринчи ҳолати, яъни умумий бичими инобатга олинади. Шарқ дунёсида фойдаланилган қоғозлар орасида “Александрия қоғози” энг йирик қоғозлардан бири ҳисобланган. Бағдод қоғозининг бичими эса 73,3х109,9 смни, шу билан бирга Мансурий деб номланган қоғоз 48,8х73,3 смни, Дамашқ қоғози эса 88,4х62 смни ташкил этган бўлса¹, Қўқонда тайёрланган қоғознинг бир варағи 58х50 смдан иборат бўлган². Бевосита тадқиқ этилаётган ёзишмаларда асосан Россия фабрикаларида тайёрланган 45,5х34,5 44,5х34 ҳамда 43х27,5 смдан иборат қоғозлардан фойдаланилганлигини таъкидлаш мумкин. Бу бичимдаги

¹ Лихачёв Н.П. Бумага и древнейшая бумажная письменность в Московском государстве // Записки императорского Русского археологического общества. Т. V. Новая история. Санкт-Петербург. Типография Императорской Академии Наук, 1892.-С.267., Зотов П.Д. К истории бумажного производства на востоке // Труды Института Востоковедения АНУзССР вып 3.-Ташкент, 1954.-С.162

² Ҳабибуллоев Н.Н. Унсиз гувоҳ (ёки Қўқон қоғозининг шухра) // Фан ва турмуш. №6. 1981-Б.20-21.

қоғозлар кейинчалик маҳаллий девонхоналар ва типографияларда керакли бичимга мослаб қирқилган ва ишлатилган²³.

Қоғознинг мавжудлиги ҳолати. Бугунги кунга қадар етиб келган мавжуд ёзма манбанинг эни ва бўйи сантиметр (см) ўлчамида ҳисобланади. Бухоро амирлиги қўшбегиси девонхонаси, Рус сиёсий агентлиги, Туркистон генерал-губернаторлиги девонхоналаридаги ҳужжатларни таҳлил этиш жараёнида ушбу муассасалар бир неча ўлчамларга эга қоғозлардан фойдаланганликлари аниқланди. Рус сиёсий агентлигининг амирлик ҳукумати вакиллари билан олиб борган ёзишмаларида ушбу даврда асосий қоғоз бичими сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган 44,5х34 см ва 44,5х35,5см²⁴ қоғозлардан ташқари 44,5х27,5 см²⁵, 33х27 см²⁶, 28х21 см²⁷, 27х21 см²⁸, 22х35 см²⁹, 22х34,5см³⁰, 22х18см³¹ 21,5х17 см³² ва қоғозлар ҳам мавжуд. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу каби бичимлар асосий бичимдаги қоғознинг бир қисми ҳисобланади, шунинг учун ҳам бу каби қоғоз бичимларига эга манбаларни аниқлашда қоғоз асосини ташкил этган бичимга нисбаган тўлиқ, иккидан, учдан ва тўртдан бир қисмдан иборатлигини инобатта олиш керак.

Ёзишмаларда фойдланилган ушбу бичимдаги қоғозларнинг асосий қисми типографияда расмий муассаса бланклари сифатида тайёрланган қоғозлардан иборатдир. Архив ҳужжатларининг таҳлили маҳаллий девонхоналарда фойдаланилган қоғозлар ушбу бичимда эканлигини, аммо типографик бланклардан иборат бўлмаганлигини кўрсатди. Бу ҳол ўз навбатида девонхоналарда асосий бичимга эга қоғозни бир неча қисмларга ажратган ҳолда ишлатилганлигидан далолат беради.

²³ ЎзР МДА И-126-фонд, 1-руйхат, 1084-иш, 1-варақ.

²⁴ ЎзР МДА И-126-фонд, 1-руйхат, 1367-иш, 4-варақ.

²⁵ ЎзР МДА И-126-фонд, 1-руйхат, 1359-иш, 151-варақ.

²⁶ ЎзР МДА И-126-фонд, 1-руйхат, 1357-иш, 35-варақ.

²⁷ ЎзР МДА И-3-фонд, 1-руйхат, 335-иш, 228-варақ.

²⁸ ЎзР МДА И-126-фонд, 1-руйхат, 1357-иш, 24-варақ.

²⁹ ЎзР МДА И-126-фонд, 1-руйхат, 1301-иш, 35-варақ.

³⁰ ЎзР МДА И-3-фонд, 1-руйхат, 400-иш, 69-варақ.

³¹ ЎзР МДА И-126-фонд, 1-руйхат, 874-иш, 3-варақ.

³² ЎзР МДА И-126-фонд, 1-руйхат, 1359-иш, 141-варақ.

Ёзишма хужжатларини тадқиқ этиш жараёнида тўлиқ бичимга эга ва эга бўлмаган бир гуруҳ қоғозлар мавжудлиги ҳам аниқланади. Бу қоғозларнинг бичими ва улардаги филигран ва штемпел маълумотлари уларнинг хорижий қоғоз фабрикаларида тайёрланганлигини кўрсатади. Жумладан, RHBINISCH BANK POST филигранига эга бланк қоғозларининг тўлиқ бичими 28,5x34 см ёки 29x22,5 см, 29x24 см¹. Бу эса икки varaқли тўлиқ бланк қоғозининг бир varaғини ташкил этган. Ёки 35,5x22см, 33,5x27,5 см ва 21,5x27смдан иборат ORIGINAL LEGAT MILLS. ёзувга эга қоғозлар ҳам мавжуддир².

Қоғознинг қандий мосламада тайёрланганлиги. Қоғоз тайёрлаш технологияси асрлар давомида такомиллашиб борган. Буни қоғоз хомашёсидан тайёр маҳсулот олиш учун мўлжалланган асбоб ёки фабрика машина қисмларининг мавжуд қоғоз намуналаридаги аксидан билиш мумкин. Ўрта Осиё минтақасида фойдаланилган маҳаллий устакхоналар ва Россия, Европа давлатлари фабрика қоғозларини шартли равишда қуйидаги уч гуруҳли мосламаларда тайёрланган деб айтиш мумкин. Булар: 1.Чий асосли қоғоз олиш мосламаси, 2.Сим асосли қоғоз олиш мосламаси, 3. Мағо асосли қоғоз олиш мосламаларидир.

Тадқиқот жараёнида маҳаллий устакхоналарда тайёрланган қоғозлар таҳлили улар чий (*Laxiagrostis splendens*)нинг майин шохларини от ёли билан боғланган ҳолда тўр шаклидаги мослама орқали олиш амалга оширилиши тушунилади.Бундай усулда XIX ас охири XX ас бошларида Қўқон қоғози тайёрланган.

Рус сиёсий агентлиги ёзишмаларига доир архив хужжатлари таҳлили мавжуд қоғозларда қалин вертикал ва майин горизонтал симилар аксини мавжудлиги аниқланади. Шу билан бирга, бу қоғозларда нифақат симилар балки турли хилдаги тасвир ва ҳарф(л)тер)лардан иборат филигранлар уларнинг Европа қоғозлари намуналари эканлигини тасдиқлайди. Биз ушбу хусусиятларга эга қоғозларни сим асосли қоғоз олиш мосламасида тайёрланганлигини таъкидлашимиз мумкин.

¹ ЎзР МДА И-126 фонд,1-рўйхат, 1361-иш, 48-варақ. И-3-фонд, 1-рўйхат, 347-иш, 127-варақ.

² ЎзР МДА И-3-фонд,1-рўйхат, 347-иш, 66-,205-206-варақлар.

Ҳам Бухоро амирлиги қўшбегиси ҳам рус сиёсий агентлиги девонхоналарида фабрика усулида тайёрланган ва ўзига хос махсус белгилари мавжуд қоғозлар махсус предметларни катталаштириш мақсадида фойдаланиладиган мослама асосида тадқиқ этилганда уларда майда тўртбурчак шакл намуналари мавжудлигини кўриш мумкин. Бу каби шакл намуналари мато таркибий тузилиши(текстураси) билан ўхшашдир. Бу ўз навбатида XIX аср охири XX аср бошларида Россия фабрикалари мато асосли мосламаларда қоғоз тайёрлаганлигини билдиради.

Бухоро амирлиги қўшбегиси ва Рус сиёсий агентлиги ёзишмалар таҳлили асосан мато асосли, қисман сим асосли мосламаларда тайёрланган фабрика қоғозлари ҳукуматлараро мактубларда фойдаланилганлигини кўрсатди.

Қоғоз қалинлиги. XIX аср охири XX аср бошларида Рус сиёсий агентлиги ва амирлик қўшбегисининг девонхоналарида ишлатилган қоғозларни шартли равишда қалин, ўртача қалинликда ва юпка қоғозларга ажратиш мумкин. Ёзишмаларда фойдаланилган қоғозлар таҳлили натижасида мавжуд қоғозларни қўл билан ушлаб кўрилганда асосан ўртача қалинликда бўлган қоғозлар кўп миқдорда эканлигини кўришимиз мумкин. Қалин қоғозларнинг аксариятини эса расмий идора бланкаларидагина учратиш мумкин. Юпка ҳолатдаги қоғозлар эса кўп ҳолларда майин бўлиб, улардан асосан мактубларнинг қоралама нусхаларини ёзишда фойдаланилган. Шу билан бирга, ушбу турга қисман турли хилдаги лотин графикаларга эга филигран қоғозларда тайёрланган муассаса бланкаларини ҳам киритишимиз мумкин.

Қоғоз ранги: Рус сиёсий агентлиги ёзишмаларида ишлатилган қоғозларни ранг жиҳатдан фарқлаш мумкин. Яъни қоғозларни ранг жиҳатидан фарқлаш деганда мавжуд ёзма манбанинг сақланганлик ҳолатидаги рангини эмас балки асл ҳолатидаги рангини белгилаш тушунилади. Бунда қоғозларнинг рангини диққат билан, эътибор берган ҳолда аниқлаш даркор. Чунки баъзи бир қоғозлар вақт ўтиши натижасида ўзининг асл рангини йўқотган бўлади. Шу боис қоғоз рангини фарқлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги тадқиқот мавзуйимизга оид қоғозларни сариқ (оч сариқ, тўқ сариқ, қорамтир сариқ),

қаймоқранг (оч қаймоқранг, тўқ қаймоқранг) каби ранг гуруҳларига ажратиш тавсия этилади.

2.2. Қогозлардан фойдаланиш ва уларнинг сақланиш ҳолати

Маҳаллий Қўқон вилоятида тайёрланган қогозлар каби фабрика қогозлари ҳам маҳаллий аҳоли вакиллари ҳамда мавжуд давлат муассаса ва идоралар томонидан фойдаланилган. Бухоро амирлиги қўшбегиси ва Рус сиёсий агентлиги девонхона хужжатларини ўрганиш натижасида турли масалалар юзасидан ушбу муассасалар номини келиб тушган расмий мактублар, ариза, илтимосномаларни Бўғ аксарияти фабрика қогозларида ёзилганлиги аниқланди. Бундай қогозларнинг аксарияти имзо ва муҳрлари билан расмий татирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Россия фабрика қогозларидан асосан ўзларини бошқарув тизимида фаолият олиб боровчи идоралар ушбу расмий бланка қогозларини тайёрлашда фойдаланишган. Бундай хужжат тури типография шаклида тайёрланган бўлиб, ушбу ташкилот ёки давлат муассасасига тегишлилигини билдирган. Давлатлараро ва идоралараро ёзишмаларни расмий мактублар ёзишда фойдаланилган бланк қогозлар, давлат муассасалари ва корхона фаолияти доирасида маълум расмий намунавий хужжатлар (чақирув қогози, банк бланкетномалари, ҳисобот варақалари, телеграмма ва мукофот бланкетномалари) ҳам ушбу турга мансубдир. Бу каби хужжатлар давлат муассасаси девонхоналари фаолиятида қўлланилиб, муассаса раҳбари, котиби, иш юритувчиларининг имзолари ва ташкилот муҳрлари билан расмийлаштирилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳам рус сиёсий агентлиги ҳам амирлик қўшбегиси девонхоналари ўзларининг расмий мактуб бланкаларига эътибор қилишган.

Рус сиёсий агентлиги ёзишмаларида фойдаланилган фабрика қогозларининг фойдаланиш доирасини таҳлил этиш натижасида ёзма манбаининг тури, адресати ва адресанти ҳамда давлат муассасаларида бу юритиш тизими ва тартиби тўғрисида муҳим маълумотга эришилди.

Қоғознинг сақланиш ҳолати. XIX аср охири XX аср бошларига оид ҳужжатлар орасида Россия фабрика қоғозларида ёзилган ҳужжатлар аксариятни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ва Бухоро музей қўриқхонасида сақланиб келинаётган фабрика қоғозининг ҳолатини уч гуруҳга ажратиш мумкин. 1. Яхши ҳолатда сақланган қоғозлар. 2. Нормал ҳолатда сақланган қоғозлар. 3. Таъмирланган қоғозлар. Бир гуруҳ фабрика қоғозларини тўлиқ ёки мавжуд бичимда қоғоз белгилари аниқ кўринадиган, қоғознинг шикастланиш даражаси нисбатан паст, ҳарфларнинг кўриниши хиралашмаган ва қоғознинг мавжуд бичимида узилиш ёки емирилиш ҳолатлари кузатилмаган, яхши сақланган қоғозлар гуруҳига киритиш мумкин.

Аммо, биз ўрганган фабрика қоғозларининг айримларида қоғоз белгиларининг аниқ кўринмаслиги, қоғознинг ишлатилавериш сўқаланиши юқори даражага етгани ҳамда ёзув ҳарфларининг хиралашиб қолгани кўзга ташланади. Шунингдек, қоғознинг икки ҳатто уч қисмдан иборат бўлақларга бўлинганлиги ва қоғоз четларида емирилиш аломатлари мавжудлиги кузатилади³⁵. Бундай қоғозларни мавжуд шу турдаги манбаларга нисбатан нормал ҳолатда сақланган деб ҳисоблаш мумкин.

Бухородаги рус сиёсий агентлиги ва амирлик ҳукумати девонхоналаридаги фабрика қоғозида ёзилган ҳужжатларнинг айримлари, аниқроғи таъмирталаблари архив иши доирасида таъмирланиб, сақланиш ҳолати яхшиланган. Таъмирлаш жараёнида ҳужжатга зарар етказмаслик мақсадида унинг чап томони реставрацион қоғоз ёрдамида йиғма жилдга тикилган, ва шу йўсинда, фабрика қоғозларининг четлари ёки узилган жойлари реставрацион тамирланиш натижасида тикланган.

³⁵ Бу гуруҳга мансуб қоғозларнинг аксариятини Бухоро амирлиги ҳукумати вакиллари томонидан Россия империясига ташириш буюриш мақсадида амирлик фуқаролигига эга шахсларга бир йил муддатга тақдим этилган ва қўшбеги ва рус сиёсий агентлиги муҳрлари билан икки(араб графикасидаги -форс ҳамда кирилл графикасидаги рус) тилда расмийлаштирилган Открытий билет (йўл чипталари)лари ташкил этади.

каймоқранг (оч каймоқранг, тук каймоқранг) каби ранг гуруҳларига ажратиш тавсия этилади.

2.2. Қоғозлардан фойдаланиш ва уларнинг сақланиш ҳолати

Маҳаллий Қўкон ва Тошкентда тайёрланган қоғозлар каби фабрика қоғозлари ҳам маҳаллий аҳоли вакиллари ҳамда мавжуд давлат муассаса ва идоралари томонидан фойдаланилган. Бухоро амирлиги қўшбегиси ва Рус сиёсий агентлиги девонхона ҳужжатларини ўрганиш натижасида турли масалалар юзасидан ушбу муассасалар номига келиб тушган расмий мактублар, ариза, илтимосномаларнинг аксарияти фабрика қоғозларида ёзилганлиги аниқланди. Бундай қоғозларнинг аксарияти имзо ва муҳрлари билан расмийлаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Россия фабрика қоғозларидан асосан империя бошқарув тизимида фаолият олиб боровчи идоралар ўзларининг расмий бланка қоғозларини тайёрлашда фойдаланишган. Бундай ҳужжат тури типография шаклида тайёрланган бўлиб, ушбу ташкилот ёки давлат муассасасига тегишлилигини билдирган. Давлатлараро ва идоралараро ёзишмаларда расмий мактублар ёзишда фойдаланилган бланк қоғозлар, давлат муассасалари ва корхона фаолияти доирасида ишлатилган расмий намунавий ҳужжатлар (чақирув қоғози, банк маълумотномалари, ҳисобот варақалари, телеграмма ва мукофот бланкалари) ҳам ушбу турга мансубдир. Бу каби ҳужжатлар давлат муассасаси девонхоналари фаолиятида қўлланилиб, муассаса раҳбари, котиби, иш юритувчиларининг имзолари ва ташкилот муҳрлари билан расмийлаштирилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳам рус сиёсий агентлиги ҳам амирлик қўшбегиси девонхоналари ўзларининг расмий мактуб бланкаларига эга бўлишган.

Рус сиёсий агентлиги ёзишмаларида фойдаланилган фабрика қоғозларининг фойдаланиш доирасини таҳлил этиш натижасида ёзма манбанинг тури, адресати ва адресанти ҳамда давлат муассасаларида иш юритиш тизими ва тартиби тўғрисида муҳим маълумотга эга бўлинди.

Қоғознинг сақланиш ҳолати. XIX аср охири XX аср бошларига оид ҳужжатлар орасида Россия фабрика қоғозларида ёзилган ҳужжатлар аксариятни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ва Бухоро музей кўриқхонасида сақланиб келинаётган фабрика қоғозининг ҳолатини уч гуруҳга ажратиш мумкин. 1. Яхши ҳолатда сақланган қоғозлар. 2. Нормал ҳолатда сақланган қоғозлар. 3. Таъмирланган қоғозлар. Бир гуруҳ фабрика қоғозларини тўлиқ ёки мавжуд бичимда қоғоз белгилари аниқ кўринадиган, қоғознинг шикастланиш даражаси нисбатан паст, ҳарфларнинг кўриниши хиралашмаган ва қоғознинг мавжуд бичимида узилиш ёки емирилиш ҳолатлари кузатилмаган, яхши сақланган қоғозлар гуруҳига киритиш мумкин.

Аммо, биз ўрганган фабрика қоғозларининг айримларида қоғоз белгиларининг аниқ кўринмаслиги, қоғознинг ишлатилавериш сўқаланиши юқори даражага етгани ҳамда ёзув ҳарфларининг хиралашиб қолгани кўзга ташланади. Шунингдек, қоғознинг икки ҳатто уч қисмдан иборат бўлақларга бўлинганлиги ва қоғоз четларида емирилиш аломатлари мавжудлиги кузатилади³⁵. Бундай қоғозларни мавжуд шу турдаги манбаларга нисбатан нормал ҳолатда сақланган деб ҳисоблаш мумкин.

Бухородаги рус сиёсий агентлиги ва амирлик ҳукумати девонхоналаридаги фабрика қоғозида ёзилган ҳужжатларнинг айримлари, аниқроғи таъмирталаблари архив иши доирасида таъмирланиб, сақланиш ҳолати яхшиланган. Таъмирлаш жараёнида ҳужжатга зарар етказмаслик мақсадида унинг чап томони реставрацион қоғоз ёрдамида йиғма жилдга тикилган, ва шу йўсинда, фабрика қоғозларининг четлари ёки узилган жойлари реставрацион тамирланиш натижасида тикланган.

³⁵ Бу гуруҳга мансуб қоғозларнинг аксариятини Бухоро амирлиги ҳукумати вакиллари томонидан Россия империясига ташриф буюриш мақсадида амирлик фуқаролигига эга шахсларга бир йил муддатга тақдим этилган ва қўшбеги ва рус сиёсий агентлиги муҳрлари билан икки(араб графикасидаги -форс ҳамда кирилл графикасидаги рус) тилда расмийлаштирилган Открытий билет (йўл чипталари)лари ташкил этади.

Қўғознинг сақланиш ҳолатини тадқиқ этиш натижасида унинг фойдаланиш даврийлиги, таъмирланиш даражаси тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлиш мумкин.

Қўғознинг қаерда сақланаётганлиги. Ўз даврининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари маҳсули сифатида пайдо бўлган ҳамда бир неча қўғоз турларида ёзилган ҳужжатлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида, Республика музейлари ҳамда шахсий коллекцияларда сақланиб келмоқда. Жумладан, Рус сиёсий агентлигининг амирлик ҳукумати вакиллари билан олиб борган ёзишмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг И-3 "Россия императорининг Бухородаги сиёсий агентлиги" ҳамда И-126 "Бухоро амирлиги қўшбегиси девонхонаси" номи фондларида сақланмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, амирлик ҳукумати вакилларининг рус сиёсий агентлиги билан олиб борган ёзишмалари Бухоро давлат бадний-меъморчилик музей-қўриқхонаси фондлари ҳам учрайди.

III Боб

ҚОҒОЗЛАРЛАРДАГИ МАХСУС БЕЛГИЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

*3.1. Россия фабрикаларида тайёрланган филигран
қоғозлар*

*3.2. Давлатлараро ёзишмаларда фойдаланилган
штемпелли қоғозлар*

III Боб. Қоғозларлардаги махсус белгилар ва уларнинг ўзига таслиги

3.1. Россия фабрикаларида тайёрланган филигран қоғозлар

Бухоро амирлиги ва рус сиёсий агентлиги ёзишмаларида фойдаланилган қоғозлар ўзида қаерда, қачон, ким томонидан ва қандай турга мансублигини билдирувчи махсус белгилардан ташкил топган. Қоғоз ишлаб чиқарилган фабриканинг махсус белгиси деганда - мавжуд қоғоз маҳсулотида уни ишлаб чиқарган жой, шахс, йил, қоғоз турининг белгиси каби филигран(сув белгилар) ва штемплар тушунилади.

XIX аср охири XX аср бошларига қадар жаҳон ва Россия фабрикаларида тайёрланган қоғозлар ёруғликка тугтилганда, уларда чизиқлар, сўзлар, ҳарфлар, рақамлар, гуллар, ҳайвонлар ва турли буюмларнинг тасвирини кўришимиз мумкин.

Ушбу ярим кўринувчи белгилар XVII-XIX асрларда "тамга" деб аталган. Аммо илмий адабиётларда улар филигран ёки сув белгилари деб юритилади. Дастлабки, филигран қоғозларини тайёрлаш XIII асрнинг сўнги чорагида Италия қоғоз ишлаб чиқариш маркази ҳисобланган Фабрианода амалга оширилган. Филигранларда иш қуроллари, ҳўжалик буюмлари, сиёсий шахсларнинг тасвирлари ва уларнинг герблари ҳам ўз аксини топган¹.

Филигран қоғоз - қоғоз олиш мосламасидаги ингичка тўрларда ипак ёки ингичка сим ёрдамида махсус ҳарф, белги, сўз ёки расм шаклида тўқилган. Шундан сўнг, қоғоз қоришмаси шу тўқима ипак ва симларга алоҳида калинликда жойлашган. Ушбу махсус тасвирилар қоғоз олиш мосламасида бир йил муддат ичида ярқисиз ҳолатга келган ва уста унга қайтадан шу тасвир туширишга ҳаракат қилган. Бу ҳол қоғозларнинг қайси ҳудудда ва қандай тасвирили филигранларга эга бўлишини аниқлашга ёрдам беради². Дастлабки, филигранлар жуда кўпол ҳолатда

¹ Малкин И.Т. История бумаги. М.: Издательство АН СССР, 1940.—С.130.

² Масалан Европадаги ҳар бир қоғоз ишлаб чиқилган давлат ўзига хос филигранларга эга бўлган. Агар Италия қоғозларида асосан кўлқоп, ҳалқа,

ишланган бўлиб, вақт ўтиши билан бу фаолият ҳам санъат даражасига кўтарилганлигини кўришимиз мумкин.

Ўрта Осиёда, хусусан, XVI асрнинг биринчи ярмида Самарқандда уста Мир Иброҳим томонидан тайёрланган қоғоз "Мир-иброҳимий" деб аталган. Бу қоғоз тури ҳам ўзида 24x24 диаметрли ҳалкалар кўринишидаги сув белгилари мавжудлиги билан фарқланади.

Россия мануфактура ва фабрикаларида ишлаб чиқилган қоғозларда ҳам махсус белгилар қўйилган. Улар ҳарфлар, сўзлар, тасвирлар, рақамлардан иборат бўлган.

З.В.Участкинанинг тадқиқотларида Россия қоғозларидаги дастлабки филигранлар Санкт-Петербург қоғоз тегирмонларида Адмиралтейс герби ҳисобланган "лангар" тасвири шаклида эканлиги таъкидланади. Россияда қоғоз тайёрловчи мануфактуралар ўз маҳсулотларини бозорда сотишдан олдин уларда махсус товар белгиси аксини тушириш кераклиги хусусида тегишли қарорлар қабул қилинган. Жумладан, 1744 йил Россия бозорларида рус товарларини бошқа мамлакат товарларидан ажратиб олиш мақсадида қоғозларни муҳрлаш туғрисида қарор қабул қилинади. 1778 йил 18 октябрда эса Россиядаги қоғоз ишлаб чиқарувчи мануфактуралар учун махсус конун қабул қилинган. Унда қоғоз фабрикантлари сув белгисига эга қоғозларни тайёрлаш, қоғозда ишлаб чиқарилган худуд номи

арбалет, қайчи, нарвон, устун каби предметлар, шунингдек, ҳукиз калласи, аждаҳ, қанотидан ўқ еган қуш, қозикча боғланган от каби ҳайвон ҳамда пала тасвири, қўлида хоч ушлаб турган фаришта каби тасвирлар мавжуд бўлса, Франция қоғозларида Труа, Париж каби шаҳар герблари, делфин, ит каби ҳайвон, лилия гули билан безатилган Ф ҳарфи туширилган қалқон ва икки қалит белгилари тасвирланган. Шу билан бирга, Швейцария, Эбербах, Эберштатде шаҳри герблари ҳисобланган чўчка расми, бургут, айиқ тасвири, Германия қоғозлари учун болта, Польша қоғозлари учун эса лилия ва олтин киррали хоч хос бўлса, Голландия қоғозларига голланд шаҳарлари хусусан D'Pap' Moole деган ёзув ҳамда тегирмон расмидан иборат Амстердам шаҳри гербининг акси туширилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, баъзи бир филигран тасвирлар бир неча давлатда фойдаланилган. Буни қоғоз ишлаб чиқариш технологиясининг бир давлатдан иккинчи давлатга ўтиши билан боғлаш мумкин. *Қаранг: Лихачёв Н.П. Бумага и древнейшие бумажные мельницы в Московском государстве // Записки Императорского Русского археологического общества. Т. V. Новая история. Санкт-Петербург: Типография Императорской Академии Наук, 1892.- С.237-329.*

ва муассаса раҳбарининг исми мазмунини берувчи бош харфларни акс эттириши ва қоғоз ишлаб чиқарилган сана белгиси ни жойлаштиришлари кераклиги белгиланган эди¹.

Ушбу ҳолат натижасида бозорларда қоғоз танланган ёки сотиб олинган вақтда харидор учун қоғоз қаерда, ким томонидан ва қачон ишлаб чиқилганлигини аниқлай олиш имконини берган. Бу тарғибнинг назораги Россия мануфактура коллегияси назорати доирасига киритилган. Улар эса ўз навбатида мануфактура эгалари томонидан ҳар олти ойда юборилган қоғоз намуналари, асосида таққослаш имкониятига эга бўлишган. Тарихий манбаларни ўрганиш натижасида Россияда дастлаб, 13 та мануфактурада ушбу фаолият олиб борилганлигини кўришимиз мумкин².

Тадқиқот жараёнида XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Бухородаги рус сиёсий агентлиги ва амирлик ҳукумати ўртасида олиб борилган ёзишмаларида филигран ва штемпелли каби махсус белгилари мавжуд қоғозлардан фойдаланилганлиги аниқланди. Ушбу ёзишмаларда фойдаланилган филигран қоғозларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1 гуруҳ сўзлар ҳамда тасвирлардан иборат филигран қоғозлар;

2 гуруҳ сўзлар, тасвирлар ҳамда рақамлардан ташкил топган филигран қоғозлар;

3 гуруҳ фақат сўзлардан иборат филигран қоғозлар.

Ёзишмаларда фойдаланилган қоғозлар орасида Россия фабрикаларида тайёрланиб, ишлаб чиқарилган, ҳудуди ва фабрикаси номини англатувчи сўзлар ҳамда махсус белги яъни фабрика эмблемаси акси туширилган филигран қоғозлар алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу турга П.В.Сергеева, Доврушевская каби фабрикаларда тайёрланган филигран қоғозларни киритишимиз мумкин (Жадвал №1,1,-2,- тасвир).

Рус сиёсий агентлигининг амирлик ҳукумати вакиллари билан олиб борган ҳамда иккала муассаса девонхоналарида,

¹ *Участники 3.В. Развитие бумажного производства в России. М.: Издательство Лесная промышленность, 1972. -С.223-224.*

² *Бахтияров А. История бумажного листа (историко-технический очерк). М.: Народное образование, 1905.- С.20.*

асосан Россия империясининг Пенза шаҳрида фаолият юритган П.В.Сергеева фабрикасида ишлаб чиқарилган қоғозлардан фойдаланишган⁴⁰. Узаро ёзишмаларнинг таҳлили бу фабрика қоғозлари ўзига хос филигранга эга эканлигини кўрсатди. У ТОВАРИЩЕСТВО П.В.СЕРГЕЕВА каби қоғоз фабрикаси ҳамда ПЕНЗА – фабрика жойлашган шаҳар номларини англатувчи сўзлар ҳамда махсус фабрика эмблемаси (глобус устида хат ташувчи одам) тасвирдан ташкил топган. Ушбу филигран жуда кўп учрайдиган филигран ҳисобланиб, асосан 45,5х35,5 смдан иборат қоғоз бичимида бир тасвирнинг жойлашган ҳолатида учрайди.

Архив ҳужжатларнинг таҳлили натижасида П.В.Сергеев фабрикасида тайёрланган қоғозларнинг ўртача (стандрт) бичими 45,5х35,5 смни ташкил этилиши инобатга олиб иш юритиш ҳолларида эса ушбу бичимдаги қоғоз тенг ярмида икки қисмга ажратилиб натижада 35х22 бичимдаги икки қоғозларга бўлинганлиги аниқланди. Бунинг натижаси бу каби бичимга эга қоғозда филигран тўлиқ тасвирланмаслик ҳолатига олиб келган. Яъни бу бичимдаги қоғозларда қоғоз фабрикаси махсус белгиларининг бир қисми акс этганлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланиб келинаётган Бухоро қўшбегиси девонхона ҳужжатлари орасида бир гуруҳ филигранлар қоғозларда ёзилган мактублар аниқланди. Жумладан, ушбу ҳужжатлар орасида ДОВРУШЕВСКАЯ ФАБРИКА деган сўзлардан иборат қоғоз намуналарини учратишимиз мумкин. Ушбу филигран қоғоздаги ёзув қоғоз ишлаб чиқарилган фабрика номини англатади⁴¹.

Шу билан бирга, тадқиқот жараёнида RHBINISCH BANK POST, BEST WRITING, ERIN GO BRANCH Genuuetrishkinen WM.H.Ward & Co Belfast ва KYMMENE каби ёзувлар акс этилган

⁴⁰ Ушбу фабрика 1850 йилда савдогар П.В.Сергеев томонидан Сур дарёси соҳилида ташкил этилган. 1859 йилда фабрикада 50 минг даста қоғоз ишлаб чиқарилган. Фабрикада дастлаб матолардан, 1910 йилда эса целлюлоза асосида қоғоз тайёрланган. *Қаранг. Учаскина 3 В. Развитие бумажного производства в России. М.:Издательство Лесная промышленность, 1972. -С.113.*

⁴¹ Ушбу фабрикани ташкил этиш тўғрисидаги тегишли кўрсатма граф И.Ф.Паскевич томонидан 1849 йилда берилган. Аммо фабрика унинг ворислари томонидан 1872 йилда ишга туширилган.

филигрн қоғоз намуналари мавжудлиги ҳам аниқланди. Ушбу гуруҳга мансуб филигран қоғозларда асосан қоғоз фабрикаларининг эмблемалари сифатида қабул қилинган айик ҳамда қатъа биноси тасвири акс этилган қалқон ва бир қатор чизиклардан иборат тожли қалқон, қилич устида икки оёғида тик турган ҳамда бир панжасида қилич кутариб турган шер тасвири акс этирилган.

Жадвал №1

Бухоро амирлиги қўшбегиси ва рус сёсий агентлиги ўр тасидаги ёзишмаларда фойдаланилган сўз ҳамда тасвирлардан иборат филигран қоғозлар¹

Т/ р	Филигран Тасвири	Филиграндаги сўзлар	Тасвир бичими
1.		ТАВАРИШЕСТ ВО П.В.Сергеева ПЕНЗА	Қоғоз бичими 44,5x35,5 см Филигран бичими 28,5x22,5см Тасвир 15,5 x5,5 см Тасвир устидаги сўзлар узунлиги 28,5 x2 см; Тасвир остидаги сўз узунлиги 6,5x2 см; Ҳарфлар 1x2см

¹ ЎЗР МДА И-126-фонд, 2-руйхат, 324-иш, 5-варақ, И-126-фонд, 2-руйхат, 875-иш, 2-варақ, И-3-фонд, 1-руйхат, 257-иш, 35-варақ, И-126-фонд, 2-руйхат, 1682-иш, 97-варақ, И-3-фонд, 1-руйхат, 31-иш, 279-варақ, И-126-фонд, 1-руйхат, 249-иш, 1-варақ.

2.		Добрушевская Фабрика	Қоғоз бичими 35,5x22 см Филигран бичими 8x7 см Тасвир 5,5x 2,55м Тасвир атрофидаги харфлар 1x1 см Мавжуд ҳолатда бир бетиде 1 тасвир
3.		RHBINISCH BANK POST BRSAB Blankasi	Қоғоз бичими 29 x22,5 см Филигран бичими 14,5x11 см Тасвир 7,5 x4,5 см Тасвир устидаги сўзлар узунлиги 11 x1 см; Тасвир остидаги сўз узунлиги 11 x1 см; Харфлар 1x1см
4.		BEST WRITING	Қоғоз бичими 22x28,5 см Филигран бичими 18,5x7см Тасвир 17x7см Тасвир остидаги сўз узунлиги 13,5x1,5см Харфлар 1,5x1см 1x1см

5.		ERIN GO BRANCH Genuetrisbkinen WM.H.Ward & Co Belfast	Қоғоз бичими 20,5x25,5 см Филигран бичими 18,5x8,5 см Тасвир 8x3,5см Тасвир остидаги биринчи қатор жумла узунлиги 18,5x1 см Иккинчи қатор 4,5x1см Харфлар 1x1 см
6.		KYMMENE	Қоғоз бичими 44,5x22см Филигран бичими 11,5x9см Тасвир 9x9 см Тасвир ости жумла 9x1,5см Харфлар 1x1,5см Мавжуд ҳолатда 2 тасвир (тулик бичимдаги қоғозда 4 та тасвир) жойлаштирилган

XIX аср охири XX аср бошларига оид ҳукуматлараро ёзишмаларни тадқиқ этиш жараёнида ҳам сиёсий агентлик ҳам амирлик кўшбеги девонхоналарида тасвирлардан, сўзлардан ҳамда рақамлардан ташкил топган филигран қоғозлардан фойдаланилганини маълум бўлди. Ушбу турдаги филигран қоғозлар, асосан, Россия империясининг расмий герби сифатида қабул қилинган ва панжаларида давлат рамзлари ҳисобланган скипитер ва держава каби предметларни ушлаган икки кичик ва бир катта тожли икки бошли бургут тасвиридан иборат.

Ёзишмаларда фойдаланилган ушбу тасвирга эга филигран қоғозларнинг ҳам бир неча хили аниқланди (Жадвал №2. 1-5 тасвирлар):

а) фақат панжаларида давлат рамзлари ҳисобланган скипитер ва держава каби предметларни ушлаган икки кичик ва бир катта тожли икки бошли бургут тасвири;

б) панжаларида давлат рамзлари ҳисобланган скипитер ва держава каби предметларни ушлаган икки кичик ва бир катта тожли икки бошли бургут ҳамда PAPIER A LETTRES GLORIA сўзлари акси тушурилган тасвири;

в) панжаларида давлат рамзлари ҳисобланган скипитер ва держава каби предметларни ушлаган икки кичик ва бир катта тожли икки бошли бургут 1870-1882 каби рақамлар ҳамда Two Eagles Mill va Four Eagles Mill ёзувлари ҳамда тасвирлардан иборат

г) панжаларида давлат рамзлари ҳисобланган скипитер ва держава каби предметларни ушлаган икки кичик ва бир катта тожли икки бошли бургут ҳамда 1882-1896 каби рақамлардан иборат тасвир.

Жадвал №2

Бухоро амирлиги қўшбегиси ва рус сиёсий агентлиги ўртасидаги ёзишмаларда фойдаланилган сўзлар, тасвирлар ҳамда рақамлардан ташкил топган филигран қоғозлар

Т/ р	Филигран тасвири	Филигранда ги рақам ва сўзлар	Тасвир бичими
1.			Қоғоз бичими 45x22см Филигран бичими 7 x 8 см Тасвир 7 x 8 см Мавжуд ҳолатда 2 тасвир (тўлик бичимдаги қоғозда)

			4 та тасвир) Жойлаштирилган
2.	 PAPIER A LETTRES GLORIA	PAPIER A LETTRES GLORIA	Қоғоз бичими 43x27,5 см Филигран бичими 11x8,5 см Тасвир 5,5x6,5см Тасвир остидаги биринчи қатор жумла узунлиги 8,5x0,5 см Иккинчи қатор усунлиги 5,5x1см Харфлар 0,5x0,5 см 1x1 см 1 вакарда жами 6 та бир хил тасвир жойлаштирилган
3.	 Two Eagles Mill	1870-1882 Two Eagles Mill	Қоғоз бичими 21,5x21,5см Филигран бичими 15x10 x 8 см+3см Тасвир 10 x 11см Тасвир остидаги биринчи қатор жумла узунлиги 10x1 см

			Харфлар 1x0,5 см Рақам катори 7x1,5см Рақамлар 0,5x 1см; 0,3x1 см Мавжуд ҳолатда 1 тасвир (тулик бичимдаги қоғозда 4 та тасвир) Жойлаштирилган
4.		1882-1896	Қоғоз бичими 35,5x22 см Филигран бичими 8x8 см Тасвир 7x 6см Тасвир остидаги рақамлари катори 2,5x0,5см Рақамлар 0,7x 0,7см; 0,7x03 см Мавжуд ҳолатда қоғозда 1 тасвир
			Қоғоз бичими 43,5x34 см Филигран бичими

5.		1910	14,5x5 см Тасвир 12,5x 5см Тасвир остидаги рақамлари қатори 3x1см Рақамлар 0,5x 1см; 0,3x 1 см Мавжуд ҳолатда тулик варқли қоғозда 2 тасвир
6.			Қоғоз бичими 31x26 см Филигран бичими 13x8 см Тасвир 13x8 см Мавжуд ҳолатда тулик варқли қоғозда 1 тасвир
7.			Қоғоз бичими 32x19,5 см Филигран- диаметри 10,5 см Тасвир 10x10 см Мавжуд ҳолатда тулик варқли қоғозда 1 тасвир

Ушбу гуруҳларга мансуб филигран тасвирларни таҳлил этиш натижасида қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:

1. Бу каби филигранлар Россия империяси давлат гербининг ўзи ёки сўз ва рақамлар билан биргаликдаги тасвиридан иборат бўлган.

2. Филигран тасвирдаги тўрт хонали сонлар қоғозларнинг ишлаб чиқиш даврини англатади.

3. Тасвир остида акс эттирилган ҳарф(литер)лар гарчи латин графикасида ёзилган бўлса-да, тасвир ва ундаги элементлар(скипитеp ва держава) ушбу филигран Россия фабрика қоғозларига тааллуқлилигини ҳамда қоғоз савдоси жараёнида махсус қоғоз тури сифатида фарқланишини таъминлаш мақсадида тайёрланганлигини кўрсатади.

4. Россия империяси, Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлиги, қолаверса, Бухоро амирлиги девонхоналари фойдаланган ушбу филигран қоғозлардаги маълумотлар тарихий манбанинг қайси қоғоз ва даврга тааллуқлилигини аниқлашда ёрдам беради.

Россия империяси гербининг филигран тасвири - гербли фиригран қоғозлар тайёрлаш тажрибаси нафакат ушбу давлатда, балки шу даврда қоғоз ишлаб чиқарилган бошқа давлатда ҳам мавжуд бўлган. Буни Америка Қўшма Штатлари герби тасвири туширилган филигран қоғозидан ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги И-3 фонддаги АҚШнинг Москвадаги генерал консули расмий мактубининг таҳлили ушбу мактуб махсус АҚШ герби акси туширилган филигран қоғозда ёзилганлигини кўрсатди. (Жадвал №2, 7-тасвир).

Тадиққот жараёнида Россия фабрикаларида тайёрланган уч шер тасвири калқон, калқон устида кийик боши, остида 1910 рақамлари тасвири филигран қоғозлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Ушбу икки варақли қоғоз тўлиқ бичимда 43,5х34 смни ташкил этади. Бу типография типидagi икки (араб ва рус) графикасида ёзилган филигранли бланк қоғози ҳисобланади. Бухоро амири ҳамда рус сиёсий агентлиги мухрлари билан тасдиқланган бу ҳужжат "Бухоро амирлигининг олтин юлдуз"

орденини тақдим этишда Амир Олимхон фармони учун махсус тайёрланган⁴³.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланган Бухородаги рус сиёсий агентлиги ҳамда амирлик кўшбегиси девонхона йигма жилдларини тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, ушбу иккала муассаса ўртасида олиб борилган ёзишмаларда фақат сўзлардан иборат филигран қоғозлардан фойдаланилган. Ушбу қоғозларда ORIGINAL MARRAN PAPER, ORIGINAL TURKEY MILL KENT ҳамда ORIGINAL LEGAT MILLS каби латин графикасидаги сўзлар ўз аксини топган. Бу каби ёзувлари мавжуд филигран қоғозлар Бухоро амирлиги ҳудудига кўшни мамлакатлар, асосан, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва Туркия мамлакатларидан олиб келинган⁴⁴.

Архив ҳужжатларининг таҳлили 1910 йилда кейинги даврда ORIGINAL LEGAT MILLS ёзуви ва филигранли қоғозлар Бухородаги рус сиёсий агентлиги, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузуридаги дипломатик амалдорларнинг махсус бланкаларини тайёрлашда фойдаланилганлиги кўрсатди. Бу ўз навбатида Россия Ташқи ишлар вазирлиги гизимига кирувчи муассасаларнинг расмий бланклари вақт-вақти билан бир турдаги қоғозда тайёрланганлиги аниқлади.

⁴³ ЎзР МДА Р-1591-фонд, 1-руйхат, 3-иш, 1-варақ О'зР МДА 1-3-фонд, 1-руйхат, 335-иш, 205-варақ.

⁴⁴ ЎзР МДА И-3-фонд, 1-руйхат, 31-иш, 161-варақ, И-126-фонд, 1-руйхат, 1391-иш, 6-варақ, И-3-фонд, 1-руйхат, 257-иш, 45-варақ.

Бухоро амирлиги кушбегиси ва рус спёснй агентлиги
ўртасидаги ёзишмаларда фойдаланилган факат сўзлардан
иборат филигран қоғозлар

T/p	Филигран Тасвири	Филиграндаг и сўзлар	Тасвир бичими
1.	ORIGINAL TURKEYMILL KENT	ORIGINAL TURKEY MILL KENT	Қоғоз бичими 39,5x24,5см Филигран бичими 12x5,5см 1-қатор 9,5x1см 2-қатор 12,5x1см 3-қатор 4,5x1см Ҳарфлар 1,5x1 Мавжуд ҳолатда 2 тасвир
2.	ORIGINAL LEGAT MILLS	ORIGINAL LEGAT MILLS.	Қоғоз бичими 35,5x22см Филигран бичими 10x3,5см 1-қатор 6x1,5см 2-қатор 10x1,5см Ҳарфлар 1,5x Мавжуд ҳолатда 1 тасвир

¹ ЎзР МДА И-3-фонд.1-руйхат, 31-иш, 161-варақ И-126-фонд.1-руйхат, 1391-иш, 6-варақ

			Қоғоз бичими 21,5х27см Филигран бичими 13х6см 1-қатор 10х2см 2-қатор 13х2см Ҳарфлар 1,5х2 Мавжуд ҳолатда 1 тасвир
--	--	--	---

Эътиборли томони шундаки, Ўрта Осиё минтақасида XIX аср охири ва XX аср бошларида фойдаланилган ҳамда хорижий мамлакатларда тайёрланган қоғоз намуналари ҳам мавжуд. Биз ўз тадқиқотимиз жараёнида ORIGINAL LEGAT MILLS. Ҳарф (литер)ли филигран қоғозларни икки ўринда учратдик. Улар ҳарфлар ва қоғознинг бичими жиҳатидан фарқланди.

Лекин архив ҳужжатларини таҳлил этиш жараёнида йирик бичимли эга ҳарфлардан иборат ORIGINAL LEGAT MILLS. филигран қоғознинг тўлиқ бичими мавжудлиги аниқланди. Агар фақат ҳарфлардан иборат ва бир варақдан иборат қоғоз 21,5х27,5см ёки 35,5х22см дан иборат бўлса, ушбу қоғознинг икки варақли тўлиқ бичими 27,5(6)х43 см ни ташкил этади⁴⁶. Тўлиқ икки варақ ҳолатидаги қоғознинг чап томон варағида ORIGINAL LEGAT MILLS. каби сўзлар, варақнинг ўнг томонида эса махсус тасвир мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳол қоғозлардаги мавжуд филигран тасвирларни аниқлашда манбашуносдан алоҳида синчиковаликни талаб этади.

Шу билан боғлиқ яна бир ҳолат мавжудки, унга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Яъни қоғозда филигран тасвири ёки ҳарф (литер)и тўлиқ акс эттирилмаган бўлса, унда тадқиқотчи манба ёзилган даврда фойдаланилган филигран қоғозларни ўзаро таққослаши даркор. Шундан кейингина ёзма манбанинг аниқ қайси филигран қоғозда ёзилганлиги маълум бўлади.

⁴⁶ ЎзР МДА И-3-фонд.1 -руйхат.243-иш.54-55-варақ

3.2. Давлатлараро ёзишмаларда фойдаланилган штемпелли қоғозлар

Бухоро амирлиги кўшбегиси девонхона хужжатлари орасида ўзига хос фабрика тамғаси - штемпел акси туширилган қоғозлар ҳам учрайди. Уларнинг аксарияти Россия империяси губернияларида фаолият юритган қоғоз фабрикаларининг штемпелларидир.

Россия империясидаги фабрикаларда тайёрланган қоғозларни махсус штемпеллаш тадбири 1817 йил император Александр I буйруғига биноан қоғозларга "Императорская Петергофская бумажная фабрика" сўзларидан иборат тамға босишдан бошланган⁴⁷.

Тадқиқ этилаётган мавзу доирасидаги расмий ҳукуматлараро мактублар таҳлили натижасида ушбу даврда Бухоро амирлиги ва рус сиёсий агентлиги девонхоналари Сергеева, Кувшинова, Способина, Способина и К, Говард, П.Ф.Окуловск И. С.Панченко, В.Вотовин, Мирков, Ржевск, Кюммене каби фабрика ва акционерлик жамиятларда тайёрланган ҳамда улар ишлаб чиқарилган муассаса белгиси ва қоғоз турини билдирувчи штемпелларига эга қоғозлардан фойдаланилганлиги аниқланди. Штемпелларга эга қоғозларда қоғоз тури ва у ишлаб чиқарилган фабрика номи ҳамда ҳудуди билан боғлиқ маълумотлар таҳлили қуйидагиларни кўрсатди. (Жадвал №4)

1. Рус сиёсий агентлиги ёзишмаларида фойдаланилган қоғозларнинг чап тепа қисмида ўртача 20x20 мм ҳамда 15x15 мм катталиқдаги штемпеллар босилган.

2. Ёзишмаларда фойдаланилган штемпелларни уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин;

а. Фабрика эгаси ёки номи, ҳамда ёзув қоғозининг навини англатувчи белгили штемпеллар;

б. Фабрика номи, махсус эмблемаси ва қоғоз навини англатувчи белгили штемпеллар;

в. Фақат қоғоз навини англатувчи белги штемпеллар;

Фабрика эгаси ёки номи, ҳамда ёзув қоғозининг навини англатувчи белгили штемпелларга: ФАБРИКИ /№ [4.,6.,5.,7.]/ СЕРГЕЕВА, № 6 СПОСОБИНА И Ко, № /ТОВАРИЩЕСТВО

⁴⁷Клепиков С.А. Филигран и штемпели на бумаге русского и иностранного производства XVII-XX вв. М.: Изд-во Всесоюзной Книжной палаты, 1959.-С.12

Окуловск П.Ф. Окуловка/ [4.,5.], РЖЕВСКОЙ /ФАБРИКИ/ № [6], РЖЕВСКОЙ/ №[6]/ФАБРИКИ ТАТАРОВСКОЙ /№/ ПРОТАСЬЕВА/[6] ФАБРИКИ киритишимиз мумкин (Жадвал №4).

Жадвал №4

Бу хори амирлиги қўшбегиси ва рус сиёсий агентлиги ўртасидаги ёзишмаларда фойдаланилган қоғозлардаги фабрика эгаси ёки номи, ҳамда ёзув қоғозининг навили англатувчи белгилар штемпеллар

Т/ р	Штемпел тасвири	Штемпелдаги сўзлар ва рақамлар	Штемпел ҳажми
1.		ФАБРИКИ №4 СЕРГЕЕВА	20x20 мм
2.		ФАБРИКИ №5 СЕРГЕЕВА	20x20 мм
3.		ФАБРИКИ , №6 СЕРГЕЕВА	18x18 мм

4.		ФАБРИКИ №7 СЕРГЕЕВА	18x18 мм
5.		№6 СПОСОБИНА И К°	20x15 мм
7.		ТОВАРИЩЕСТВО № Окуловск П.Ф.5 Окуловка	30 x15 мм
8.		РЖЕВСКОЙ ФАБРИКИ №6	25x20мм
9.		РЖЕВСКОЙ №6 ФАБРИКИ	22x18 мм
10.		ТАТАРОВСКОЙ №ПРОТАСЬЕВА6 ФАБРИКИ	20x15 мм


11.		ФАБРИКИ №6 ШЕКОЛДИНА	23x18 мм
-----	---	----------------------------	----------

Ёзишмаларда фойдаланилган штемпелли қоғозлар орасида фабрика номи, қоғоз нави каби белгилар билан бирга фабриканинг махсус эмблема тасвири штемпеллари ҳам мавжуд. Улар ТОВАРИЩЕСТВО /№ [думи юкорига эгилган шер тавири] [4.5.6.7.]/КУВШИНОВА, ФАБРИКИ/ № [шер тасвири] [4.5.]/ КУВШИНОВА, №/[икки бошли бургут] [5.6.] / ГОВАРДА, С/[икки бошли бургут]/К/№[4], 12/ икки бошли бургут/ 12/ №Т[6], 5 икки бошли бургут 5 / КНЯЗЯ ПАСКЕВИЧА, [2.4.5.6.] (икки оёғида тик турган канотли шер тасвири) [2.4.5.6.] АКЦОБ.Ц.КЮММЕНЕ, ўртасида шер тасвири тожли қалкон /АОВ/ №[6], № / К.Р.П.Ф.[канотли шер тасвири]/РИГА[6], №/[тумшугида конверт тутган кабутар]/ [5.,6.]/К.ПЕЧАТКИНА, ҳамда №[5] тумшугида конвет ушлаган куш тасвири/ РОМА каби штемпеллардир. (Жадвал №5).

Жадвал №5

Бухоро амирлиги қўшбегиси ва рус сийёсий агентлиги ўртасидаги ёзишмаларда фойдаланилган қоғозлардаги фабрика номи ёки эгаси, қоғоз нави каби белгилар билан бирга фабриканинг махсус эмблемаси тасвирланган штемпеллар

Т/ р	Штемпел тасвири	Штемпелдаги тасвир, суз ва рақамлар	Штемпел ҳажми
1.		ТОВАРИЩЕСТВО  № 4 КУВШИНОВА	15x20мм

2.		ТОВАРИЩЕСТВО  № 5 КУВШИНОВА	15x20мм
3.		ТОВАРИЩЕСТВО  № 6 КУВШИНОВА	15x20мм
4.		ТОВАРИЩЕСТВО  № 7 КУВШИНОВА	15x20мм
5.		 № 5 ГОВАРДА	20x15 мм
6.		 № 6 ГОВАРДА	20x15 мм
7.		 S K № 4	19x16 мм

8.		 S K №6	19x16 мм
9.		 12 12 № 6	20x20 мм
10.		 4 П КНЯЗЯ ПАСКЕВИЧА	20x15 мм
11.		 5 5 КНЯЗЯ ПАСКЕВИЧА	20x15 мм
12.		 № 4 ДИТ ТОВ	20x15 мм
13.		 6 6 АКЦ.ОБЩ. КЮММЕНЕ	15x15 мм


14.		 4 4 АКЦ.ОБЩ. КЮММЕНЕ	15x15 мм
15.		 5 5 АКЦ.ОБЩ. КЮММЕНЕ	15x15 мм
16.		 4 4 АКЦ.ОБЩ. КЮММЕНЕ	15x15 мм
17.		 2 2 АКЦ.ОБЩ. КЮММЕНЕ	15x15 мм
18.		 А.О.В. №6	10x20 мм

19.		К.Р.П.Ф № 6 РИГА	30x15 мм
20.		№ 5 К. ПЕЧАТКИНА	20x15 мм
21.		№ 6 К. ПЕЧАТКИНА	20x15 мм
22.		№ 5  РОМА	20x15 мм

Демак, Россия коғоз фабрикалари коғозларни думи юкорига эгилган шер, икки оёғида тик турган канотли шер, Россия империясининг расмий герби сифатида қабул қилинган ва панжаларида давлат рамзлари ҳисобланган скипитер ва держава каби предметларни ушлаган икки кичик ва бир катта тожли икки бошли бургут ҳамда оғзида конверт тутган кабутар каби тасвирли штемпеллар билан тамғалаган.

Шунингдек, ёзишмалар орасида факат коғоз навини англатувчи №4, №5 ва №6 каби штемпелланган коғозлар ҳам мавжуд.(Жадвал №6).

**Бухоро амирлиги қўшбегиси ва рус сийёсий агентлиги
ўртасидаги ёзишмаларда фойдаланилган қоғоз навини
англатувчи штемпеллар¹**

Т/р	Штемпел Тасвири	Штемпелдаги рақамлар	Штемпел ҳажми
1.		№4	20x15 мм
2.		№5	17x18 мм
3.		№ 6	18x15 мм

Тадқиқ этилган ёзишмаларда фойдаланилган махсус белгили қоғозларнинг таҳлилига кўра, бир қоғознинг ўзида ҳам фабрика эгаси ёки номи, эмблемаси, ёзув қоғозининг навини англатувчи штемпел ҳамда филигран тасвири мавжуд бўлган. Бунга **ФАБРИКИ /№ [рақам]/ СЕРГЕЕВА** ва [рақам] (икки оёғида тик турган қанотли шер тасвири) [рақам] **АКЦ.ОБЩ.КЮММЕНЕ, ДОВРУШЕВСКАЯ ФАБРИКА** ҳамда

¹ ЎзР МДА И-126-фонд, 2-руйхат, 861-иш, 2-варак. И-126-фонд, 2-руйхат, 874-иш, 16-варак. И-3-фонд, 1-руйхат, 31-иш, 67-варак

№4 ва №5 рақамли штемпелли фабрика қоғозлари мисол бўлади⁴⁹. Аммо ёзишмаларнинг аксарияти алоҳида штемпелга ёки филигранга эга қоғозларда ёзилган.

Қоғозларда ўз аксини топган штемпел ва филигранлар қоғоз қайси ҳудудда тайёрланганлиги ҳамда унинг навини аниқлашга ёрдам беради. Штемпеллардаги маълумотлардан қоғоз навини аниқлаш билан бирга ушбу қоғознинг нарҳини белгилашда ҳам фойдаланилган. Яъни, харидор шахс ёки буюртмачи муассасалар сотиб олинган қоғоз навини унинг штемпелидаги белгиларига қараб фарқлашган. Бугунги кунда бу каби маълумотлар XIX аср охири XX аср бошларидаги Бухоро амирлиги тарихини тадқиқ этишда ёрдам беради.

Ёзувнинг қоғоздиги махсус белгиларга қараб ёзилиш ҳолати Бунда XIX аср охири XX аср бошларига оид расмий ҳукуматлараро ёзишмаларда фойдаланилган филигран ва штемпелли Россия фабрика қоғозларидаги ёзувларнинг ёзилиш хусусиятлари инобатга олинади. Аниқроқ қилиб айтганда, ёзма манбаини ташқи таҳлил этиш жараёни ундаги ёзувлар ушбу штемпел ва филигранларнинг тўғри жойлашиш ҳолатини назарда тутди. Тадқиқот жараёнида мавжуд ёзма манбалардаги ёзувлар фабрика қоғозининг махсус белгиларига мосланган ҳолда ёзилганлиги ёки бу ҳол девонхона ходимлари томонидан инобатга олинмаганлиги аниқланди.

Рус сиёсий агентлиги ёзишмаларида фойдаланилган фабрика қоғозлари агар улар муассаса махсус бланки сифатида типография усулида тайёрланган бўлса, унда ёзув қоғоз штемпели ва филигран тасвири белгиларига қараб ёзилган. Бунда қоғоз штемпели муассаса реквизитлари (ёзув ёзилган)дан бланкаи қоғоз чап томонининг тепа қисмида, филигран тасвир эса ёзув намуналарининг остида тўғри вертикал ёки горизонтал ҳолатда жойлашади.

Штемпел ва филигран тасвирларининг ёзув йўналишига нисбатан тескари ҳолатлари ҳам учрайди. Буни кўпинча йирик форматдаги қоғознинг бир неча қисмларга бўлинган ёки расмий

⁴⁹ ЎзР МДА И-126-фонд, 1-руйхат, 249-иш, 1-варақ. ЎзР МДА И-126-фонд, 2-руйхат, 324-иш, 78-варақ. ЎзР МДА И-126-фонд, 2-руйхат, 875-иш, 2-варақ. ЎзР МДА И-126-фонд, 2-руйхат, 874-иш, 16-варақ. ЎзР МДА И-126-фонд, 2-руйхат, 861-иш, 2-варақ.

муассаса бланкасиз ҳужжатларда кузатиш мумкин. Бундай қоғозларда штемпеллар қоғознинг ўнг тепа ва паст қисмида ҳамда чап пастки қисмларида, ёзув ёзилишига нисбатан тескари томонда горизонтал ва вертикал ҳолатда жойлашади.

Ёзувнинг қоғоздаги махсус белгиларга қараб ёзилиш ҳолатларини аниқлаш натижасида тадқиқ этилаётган ёзма манбанинг ташқи белгилари, тарихий ҳужжатнинг тўғри ташқи таҳлилини амалга ошириш ва манбанинг ёзилишида қоғозлардан фойдаланиш амалиётига қай даражада риоя қилинганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Юқоридаги фабрика қоғозларини аниқлаш усуллари воситасида Бухоро амирлиги қўшбегиси Мирзо Насруллонинг 1915 йил 26 февралда ёзилган 13 рақамли мактубининг қоғозини қуйидаги ҳолатда таҳлил этишимиз мумкин.

(1) Қоғоз бичими : 44,5x28,5 см;

(2) Қоғознинг мавжудлилик ҳолати: Икки варақли тўлиқ бичимда;

(3) Қоғоз қалинлиги: Юпқа;

(4) Қоғоз ранги: тўқ сариқ ;

(5) Қоғозда махсус белгиларнинг мавжудлиги: Сўзлар ҳамда тасвирдан иборат(RHBINISCH/ бир қатор чизиқлардан иборат тожли қалқон, /BANK POST) филигран мавжуд.Штемпели йўқ;

(6) Ёзувнинг қоғоздаги махсус белгиларга қараб ёзилиш ҳолати: Қоғоз Мирзо Нарулло қўшбегининг махсус бланкаси бўлиб ундаги ёзув қоғозларнинг белгиларига қараб, ёзилган;

(7)Қоғоздан ким ва қайси муассаса томонидан фойдаланилганлиги: Бухоро амирлиги қўшбегиси девонхонаси;

(8) Қоғознинг қандай асосдаги мосламада тайёланганлиги: Мато асосли қоғоз тайёрлаш мосламаси;

(9) Қоғознинг сақланиш ҳолати: нормал ҳолатда сақланган;

(10)Қоғознинг қаерда сақланилаётганлиги:Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви И-126 (Бухоро қўшбеги девонхонаси) фонди, 1- рўйхат,1361 иш., 52- варақ.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз тарихининг XIX аср охири XX аср бошларига оид даврини ўзида мужассам этган ёзма манбаларни тадқиқ қилиш бугунги кун манбашунослари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ушбу даврга оид ёзма манбалар орасида Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Туркистон генерал губернаторлиги тизимидаги муассасалар девонхоналарида сақланган расмий идоравий ҳужжатлар кўпчиликти ташкил этади. Булар ичида Бухоро қўшбегиси девонхона ҳужжатлари амирликнинг ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ҳаёти тўғрисида муҳим маълумотларни бериши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Тарихий манбашуносликнинг бугунги ҳолатига кўра, ёзма манбаларни тадқиқ этиш жараёнида манбашунослар кўпроқ манбанинг ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий вазият маҳсули эканлиги, ҳамда ундаги тарихий маълумотларнинг давр тарихини ёритишдаги аҳамиятига, бир сўз билан айтганда, информативлик хусусиятига эътибор қаратиб келмоқдалар. Шунинг таъкидлаш жоизки, манба – ҳоқ у ҳужжат бўлсин, ҳоқ у китоб бўлсин ёки битик бўлсин биринчи навбатда у ёдгорликдир. Унинг информативлик даражасидан қатъий назар, манбанинг материали, сиёҳи, ёзув қоғози ва бошқа ташқи аломатлари унинг ёдгорлик сифатидаги аҳамиятини янада оширади. Демак, ушбу ҳолат манбани ўрганишга комплекс ёндашувни, барча жиҳатларни ҳисобга олишни талаб қилади.

XIX аср охири XX аср бошларига оид қўлёзмаларни тадқиқ этишда манбашунос олим учун мавжуд манбанинг нафақат ички, балки ташқи таҳлили амалга ошириш муҳимдир. Ташқи таҳлил жараёнида манба ёзилган қоғоз, унинг тури, сифати каби ўзига хос жиҳатларни аниқлаш мумкин. Маълумки, молдий ва маънавий меросимизнинг асосий қисми шарқ оламида машҳур бўлиб келган Самарқанд, Бухоро ва Қўқон қоғозларида ёзилган. Тарихий манбалар ва архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, XIX аср охири XX аср бошларида мавжуд ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий вазият тақозоси билан Ўрта Осиё минтақасига Россия фабрика қоғозлари кириб келган. Натижада ушбу давр тарихи тўғрисида маълумот берувчи ҳужжатлар фабрика қоғозларида

ёзилган. Бухоро амирлиги қўшбеги девонхонаси ҳужжатларини тадқиқ этиш жараёнида яна бунга бир бор гувоҳ бўлинди. Мазкур даврда амирлик девонхонасидаги деярли барча идоравий ва давлатлараро аҳамиятга молик ҳужжатлар Россия фабрика қоғозларида расмийлаштирилган.

Бухоро амирлиги девонхонасида фойдаланилган фабрика қоғозларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин.

1. XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги қўшбегиси девонхонасида расмийлаштирилган давлатлараро ҳужжатларнинг асосий қисми фабрика қоғозида ёзилган.

2. Бухоро амирлиги қўшбегиси ва Рус сиёсий агентлиги ўртасида олиб борилган ёзишмалар асосан СЕРГЕЕВА, АКЦ.ОБЩ.КЮММЕНЕ, ДОВРУШЕВСКАЯ, ГОВАРД фабрикаларида тайёрланган ёзув қоғозларида амалга оширилган.

3. Давлатлараро ёзишмалар аксарият Россия фабрикаларида тайёрланган ва стандарт бичими ҳисобланган 45,5х34,5 44,5х34 43х27,5 смли ёзув қоғозларида олиб борилган. Тадқиқот натижасида ўзаро ёзишмалар 44,5х27,5 см, 33х27 см, 28х21 см, 27х21 см, 22х35 см, 22х34,5см, 22х18см ва 21,5х17см ўлчамдаги расмий муассаса бланк қоғозларида амалга оширилганлиги маълум бўлди.

4. Тадқиқот натижаси амирлик ҳукумати идоравий ҳужжатлари асосан суз, тасвир ҳамда рақамлардан ташкил топган филигран қоғозларда ёзилганлигини кўрсатди. Ушбу филигран қоғозли қўлёзмаларни ўрганиш, филиграндаги реалияларни чуқур кузатиш орқали баъзи бир санаси кўрсатилмаган ҳужжатларнинг тахминий ёзилиш даврини аниқлаш мумкин бўлади.

5. Қўшбеги муҳри билан тасдиқланган ҳужжатлар таҳлили Сергеева, Кувшинова, Способина, Способина и К, Говард, П.Ф.Окуловск, И. С.Панченко, В.Вотовин, Мирков, Ржевск, Кюммене каби фабрика штемпеллари мавжуд қоғозлардан ҳам амирлик девонхонасида фойдаланилганлигини кўрсатди. Амирлик девонхонаси ҳужжатларидаги штемпелларни тадқиқ этиш, бир томондан девонхонада қандай тур ва навдаги қоғозлар ишлатилганлигини, иккинчи томондан бу қоғозлар қайси фабрикада тайёрланганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

6. Архив хужжатларнинг таҳлили натижасида Бухоро амирлиги ва Рус сиёсий агентлиги девонхоналарида сақланган фабрика қоғозларини ўзаро фарқлаш усуллари ишлаб чиқишга эришилди. Ушбу усул Ўрта Осиё минтақасида XIX аср охири XX аср бошларида фойдаланилган Россия фабрика қоғозларининг тури ва ўзига хослигини аниқлашга кўмаклашади. Қоғозларни ўзаро фарқлаш усуллари эса, фабрика қоғозларида ёзилган шарқ кўлёмаларининг палеографик таҳлилини амалга оширишга имкон беради.

7. Ушбу рисолада баён этилган Бухоро амирлиги девонхонасида фойдаланилган фабрика қоғозларини ўзаро фарқлаш усуллари XIX аср охири XX аср бошларида Хива хонлиги ҳамда Туркистон генерал-губернаторлиги тизимидаги муассаса девонхоналарига тегишли расмий идоравий ва давлатлараро хужжатларни ўрганишда ҳам қўллаш мумкин.

Тавсиялар

1. XIX аср охири XX аср бошларига оид қўлёзма манбаларнинг палеографик ва дипломатик таҳлили доирасида тадқиқот олиб бораётган ёш шарқшунос ва манбашунослар ушбу тадқиқотда ишлаб чиқилган фабрика қоғозларини ўзаро фарқлаш усулларидан ўз изланишларида фойдаланишлари мумкин.

2. XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги девонхонасидаги мавжуд филигран ва штемпелли ҳужжатлар каталогини тузиш ва нашр этиш мамлакатимизда тарихий манбашунослик соҳасининг ривожига муносиб ҳисса қўшади.

3. Ушбу рисола маълумотлардан мамлакатимиз давлат ва ўлкашунослик музейларидаги мавжуд экспозицияларни янгилаш, уларда намойиш этилаётган қўлёзма ҳужжатларни илмий жиҳатдан тавсифлаш ва шу соҳага йўналтирилган илмий концепцияларни тузишда фойдаланиш мумкин.

4. Қўлёзма ҳужжатларни таъмирлаш жараёнларини ўз ичига олган - тозалаш, ҳолатини барқарорлаштириш, мавжуд ҳолатини мустаҳкамлаш, деформацияга учраган қисмларни тиклаш ва қоғозларни бири-биридан фарқлаш каби фаолиятни амалга оширишда ушбу рисола маълумотларига мурожаат қилиш мумкин.

5. Мазкур тадқиқотнинг илмий мазмунидан Ўзбекистон Республикасидаги Олий таълим муассасаларининг 5120300 Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) ва 5220300 Архившунослик бакалаврият таълим йўналишларида ўқитиладиган Ўзбекистон халқлари тарихи, Манбашунослик ва Тарихшунослик, Музейшунослик ва архившунослик, Ҳужжатшунослик каби фанларидан маъруза матнлари тайёрлашда ва амалий машғулотларни ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1.1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 32 б.

1.2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

1.4. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқлар ва марралар- биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 368 б

1.5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш- энг олий саодатдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 304 б

II. Архив ҳужжатлари ва материаллари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (Ўзбекистон МДА)

2.1. И-1 фонди – Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси.

2.2. И-2 фонди – Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги дипломатик амалдор.

2.3. И-3 фонди – Бухородаги Россия императори сиёсий агентлиги.

2.4. И-126 фонди – Бухоро амирлиги қўшбегиси канцелярияси.

III. Илмий адабиётлар

3.1. Абдумомунов М.М. Самарқанд қўғоз тарихи // “Фан ва турмуш”. №4. 1969. – Б.34-35.

3.2. Ахунжанов Э.А. Книга и книжное дело в Узбекистане: Обзор и указатель источников и литературы по книжному делу в Узбекистане (1875-1977 гг.). Т.: Узбекистан, 1978. – 67 с.

3.3. Ахунжанов Э.А. Письмо и книга: Из истории письменности и рукописной книги в Средней Азии. Т.: Узбекистан, 1983. – 75 с.

3.4. Ахунжанов Э.А. Письменная и книжная культура Узбекистана. Древност. Средние века. Книга I. Т.: Milliyy kutubxona, 2015–. 403 с.

3.5. Бахтияров А. История бумажного листа (историко-технический очерк). СПб.: Народное образование, М.: 1905. – 48 с.

3.6. Вамбери А. Путешествию по Средней Азии. Санкт-Петербург, Издание А.И.Мамонтова, 1865. – 222 с.

3.7. Вяткин В. Бухарский книжный рынок // Туркестанские ведомости. 1897. №61, 62, 64 сентябрь.

3.8. Зотов П.Д. К истории бумажного производства на востоке // Труды Института Востоковедения АНУзССР вып 3.- Ташкент, 1954.-С.155-166.

3.9. Зотов П.Д. К вопросу о “шелковых бумагах”. // “Общественные науки в Узбекистана” №9. 1961.-С.48-54.

3.10. Исмаилова Э.М. Из истории оформления среднеазиатской рукописной книги XIX века // “Общественные науки в Узбекистана”. №4. 1991.-С.51-55.

3.11. Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. Ташкент. Узбекистон, 1987. – 88 с.

3.12. Каттабоев А. Узбекистон китоб наشري тарихига доир // “Общественные науки в Узбекистана”. №2. 1998. С.43-45.

3.13. Клепиков С.А. Филиграния и штампы на бумаге русского и иностранного производства XVII-XX вв. М.: Изд-во Всесоюзной Книжной палаты, 1959.-306.

3.14. Лихачёв Н.П. Бумага и древнейшие бумажные мельницы в Московском государстве // Записки императорского Русского археологического общества. Т.V. Новая история. Санкт-Петербург. Типография Императорской Академии Наук, 1892.-С.237-329.

3.15. Малкин И.Т. История бумаги. М.: Издательство АН СССР, 1940.– 192 с.

3.16. Мукминова Р.Г. К истории производства Самаркандской бумаги История материальной культуры Узбекистана вып 5 Т.: Наука, 1964.-С.155-160.

3.17. Мукминова Р.Г. Очерк по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Т.:Фан, 1976. – 236 с.

3.18. Муродов А. Ўрта Осиёда хатготлик санъати тарихи.- Тошкент, 1971. 196 б.

3.19. Остонова Г. Бухородаги қўлзмалар бозори // “Имом Бухорий сабоқлари”. №3.-2004. С.204-206.

3.20. Пашино П.И. Туркестанский край в 1886 году Путевые заметки. С-Петербург. Тип Тиблена и К°, 1868. – 176 с

3.2. Разводовский В.К. Опыт исследование гончарного и некоторых других кустарных промыслов Туркестанском крае. Т.: Типография при канцелярии Туркестанского генерал-губернатора. 1916. – 58 с.

3.22. Салимов М. Қўғоз / Шарқ қўлзмалари хазинаси. Тошкент: 2012. -Б.118-121.

3.23. Салимов М. Методы реставрации листов на бумажной основе. Т.: Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навоий, 2015. – 28с.

3.24. Салимов М. Самарқанд машҳур қўғозининг сири // “Infolib” №3.2015.-Б.78-81.

3.25. Татиев Д.П. Бумага и переплетные материалы. М.: Книга, 1972. – 152 с.

3.26. Участкина З.В. Развитие бумажного производства в России. М.: Издательство Лесная промышленность, 1972. – 256 с.

3.27. Федченко А. Обжугаз - писчебумажная фабрика в Каканде / Туркестанский сборник. Т.57. Спб. Типография Министерство Путей Сообщения, 1873.-С.413-418.

3.28. Хабибуллаев Н.Н. О производстве писчей бумаги в Средней Азии конца XIX- начала XX века. // “Общественные науки в Узбекистана”. - №11. 1981. -С.51-54.

3.29. Хабибуллаев Н.Н. Унсиз гулох (ёки Қўқон қўғозининг шухра) // “Фан ва турмуш”. №6. 1981–Б.20-22,

3.30. Хабибуллаев Н.Н. Ўрта Осиёда қўғоз ишлаб чиқариш тарихи. Т.: Фан, 1992. – 98 б.

3.31. Хабибуллаев Н.Н. Из истории письменности и рукописной книги народов Узбекистана (IX-начало XX в.). Ташкент, 2008. – 142 с.

3.32. Хабибуллаев Н., Валиев А., Махмудова Б. Қўғоз ишлаб чиқариш тарихидан // “Мозийдан садо”. №4.2009. –Б.17-18.

Кличев О.А. Фабричная бумага, использованная в канцелярии Бухарского эмирата (конец XIX- начало XX вв.)

РЕЗЮМЕ

В век стремительного развития научного прогресса историческому источниковедению, являющемуся одним из направлений сферы вспомогательных исторических наук, предъявляются всё новые и новые требования. Определение научного, просветительского и исторического значения посредством комплексного подхода к историческому источнику постепенно превращается в одно из основополагающих свойств современного источниковедения. Издание посвящено истории бумаги, которой пользовались в дипломатической переписке.

В первых разделах работы посредством краткого экскурса в историю изготовления бумаги приведены общие сведения об исторических этапах, а также освещён исторический ракурс всего процесса в мировом масштабе. При освещении сведений о восточном бумажном ремесле, выбор был остановлен на самаркандской бумаге, были глубоко и всесторонне исследованы основные её свойства, виды, названия, сферы применения.

Исходя из основных целей, поставленных перед данной работой, уделено большое внимание обзору вопроса о приходе в Среднюю Азию бумаги с Российских бумажных фабрик. В этом плане представлена всеобъемлющая информация о социально-политических и стратегических причинах, видах бумаги, краткая история бумаги с Российских фабрик и другая подробная информация о приходе в Среднюю Азию бумаги с Российских бумажных фабрик.

Объектом исследования в издании обозначена переписка между Бухарским эмиратом и Российским политическим агентством, а использованная в данной переписке бумага была подробное изучение вопросов техники изготовления бумаги, методов выявления различий бумаг и специальных знаков на бумаге оказало своё влияние на степень оригинальности и научной значимости данного издания.

**Klichev O.A. Factory made paper used in the chancellery of the
Emirate of Bukhara (end of the XIXth beginning of XXth
century)**

SUMMARY

Historical sources' studies as a auxiliary historical science is attracted to the new requirrements during the development of contemporary scientific thought. With the assistance of complex approach to historical sources the determination of its scientific, cultural and historical significance is becoming modern source studies. The brochure is dedicated to the papers used in the diplomatic correspondence.

In the first chapters of the work there is a short excursion to the history of the manufacturing of paper, also general info and the historical picture of the world process. In giving the info on the skills of oriental manufacturing of paper there is a Samarkand paper, its main properties, varieties, names, the spere of its usage is analyzed thoroughly

The brochure is focused on the comments of the problem of the penetration of the mill papers of the Russia into Central Asia. The short history of Russian mill papers, the socio-political and strategic reasons, their varieties, introduction into Central Asia and others are revealed

The brochure covers the correspondence between the Bukhara emirate and the Russian political agency, the paper used in them are scrutinized thoroughly. The varieties of paper, the illustrations on them, the name of the paper-mill, filigran, stamp and other internal and external signs are analyzed during the process of the study of huge amount of papers.

The study of the problems like the technique of the paper manufacturing, differing the papers from each other, special insignia in the papers, increases the scientific importance and the level of authenticity.

Илова

**XIX ағр охири - XX аср бошларида Урта Осиё минтақасида
фойдаланилган Россия фабрика қоғозларининг
аниқлаш усуллари**

Т/р	Қоғозни аниқлаш усуллари			
1.	Қоғознинг бичими(см)	Эни		
		Бўйи		
2.	Қоғознинг мавжудлиги ҳолати	Тўлиқ бичимда		
		Иккидан бир		
		Учдан бир		
		Тўртдан бир		
3.	Қоғоз калинлиги	Қалин		
		Уртача қалинликда		
		Юпка		
4.	Қоғоз ранги	Сарик ранг	Оч сарик	
			Тўқ сарик	
			Қорамтир сарик	
		Қаймоқ ранг	Оч қаймоқранг	
			Тўқ қаймоқранг	
5.	Қоғозларда махсус белгиларнинг мавжудлиги	Филигран	Сўзлар ҳамда тасвирлардан иборат филигран қоғозлар	
			Сўзлар, тасвирлар ҳамда рақамлардан ташкил топган филигран қоғозлар;	
			Фақат сўзлардан иборат филигран қоғозлар.	
			Фабрика эгаси ёки	


³⁰ XIX ағр охири XX аср бошларида Урта Осиё минтақаси, хусусан, Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, шунингдек, дипломатик муносабатлари ифода этилган ҳужжатлар қоғозини аниқлашда инобатта олиниши керак бўлган усуллар куйидаги жадвалда берилган.

		Штемпел	номи, ҳамда ёзув қогозининг навини англатувчи белгили штемпеллар	
			Фабрика номи, махсус эмблемаси ва қогоз навини англатувчи белгили штемпеллар	
			Факат қогоз навини англатувчи белгили штемпеллар;	
6.	Ёзувнинг қогоздаги махсус белгиларга қараб ёзилиш ҳолати	Қогоз белгиларига қараб		
		Қогоз белгилари инobatта олмаган ҳолда		
7.	Қогоздан ким ёки қайси муассаса фойдаланганлиги	Шахс		
		Девонхона муассасаси		
8.	Қогозининг қандай асосдаги мосламада тайёрланганлиги	Чий асосли мосламада		
		Сим асосли мосламада		
		Мато асосли мосламада		
9.	Қогозининг сақланиш ҳолати	Яхши ҳолатда сақланган қогозлар		
		Нормал ҳолатда сақланган қогозлар		
		Таъмирлаш амалиёти амалга		


		оширилган қоғозлар		
10.	Қоғознинг қаерда сакланилаётганлиги	Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида фондларида		
		Абу Райхон Беруний номидаги Шарк қўлёзмалар Марказида		
		Ўзбекистон Республикаси Давлат музейларида		
		Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида		
		Фуқароларнинг шахсий коллекцияларида		




¹ Самарқанд қозғининг намунаси XVII аср (Салимов М.Ш. шахсий коллекцияси)



⁵² Чий (*Laxiagrostis splendens*) асосли Қўкон коғозининг намунаси XVIII аср
(Салимов М.Ш. Шахсий коллекцияси)



² Мато асосли фабрика (Россия) қогозининг намунаси XIX аср (Салимов М.Ш. Шахсий коллекцияси)



⁵⁴ Хиндистон коғозининг намунаси (жандр дарахтидан олинган) XVIII аср.
(Сатимов М.Ш. Шяхсий коллекцияси)



² Сим асосли Европа коғозининг намунаси XVIII-XIX аср (Салимов М.Ш. Шахсий коллекцияси)



⁵⁶ Хитой когозининг намунаси XIX аср (Салимов М.Ш. шахсий коллекцияси)



² Шаркда коғоз тайёрланиш жараёни.



Европада коғоз тайёрланиш жарғени.



*1850 йилда Россиялик Пенза шахрида савдогар П.В. Сергеев томонидан
асос сатинган қозғоз фабрикаси*



Добружская Листо-Бумажная Фабрика Князя Паскевича

*1870 йилда Княз Паскевич томонидан таъин қилинган
Добрушевскадаги қозғоз фабрикаси*

مضمون
از و بگفته بنیاد فیه جنگ و اوردخت
مملکت بخار و اودیده استخوان که در آن
حاصل نمودن بود عینات با عرض نمودم
فیه جنگ اندک و در حقیقت در ده بار
مبلغ نهشت نیز از صوم از دولت خانه داد
گفته معرمانه ده اند بار که از دراز
مسند

بعد از تبلیغ مردم خبرت انجام بر خیزید و فرمایید که عیالایان دوستداران
سنا عیال امیر بادای فریاد برای بزرگ انوار مینا باشند که بهر نایب
نایب کنیز الی او بر ما مود باشند یعنی به هر در صوم نماند و این
ارز موده اند که عیالایان ایچ خود دست اند اگر درست باشد مفر
و اگر از این زیاده مدح نیستند موافق آن فهم کرده دست اند گفته
و عیالوی دستخط ناموده اند بابران بجا فرستاده و مردم جاگ
بناست عیالان فرستاده و عیالایان دست اند گفته و مردم
نموده مدح نیستند و اگر عیالان موافق آن فهم شده و عیالان
دست اند بابران دست اند و عیالان دست اند و عیالان دست اند
دست اند و عیالان دست اند و عیالان دست اند و عیالان دست اند

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
I Боб. Бухоро амирлиги қўшбегиси ва рус сиёсий агентлиги ёзишмаларида фойдаланилган фабрика қоғозлари	8
1.1. Қоғоз тайёрлашнинг қисқача тарихи	8
1.2. Россия қоғозлари ва унинг Ўрта Осиёга кириб келиши	12
II Боб. Бухоро амирлиги ва рус сиёсий агентлиги девонхоналарида фойдаланилган қоғозларни ўзаро фарқлаш усуллари.....	18
2.1. Қоғозларнинг ташқи хусусиятлари ва тайёрланиш техникасини аниқлаш йўллари.....	18
2.2. Қоғозлардан фойдаланиш ва уларнинг сақланиш ҳолати.....	22
III Боб. Қоғозларлардаги махсус белгилар ва уларнинг ўзига хослиги	26
3.1. Россия фабрикаларида тайёрланган филигран қоғозла	26
3.2. Давлатлараро ёзишмаларда фойдаланилган штемпелли қоғозла ...	41
Хулоса	52
Тавсиялар.....	55
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	56
Резюме.....	59
Илова.....	61

CONTENTS

Preface.....	3
I Chapter. Factory made papers used in the correspondence between the qushbegi of the Emirate of Bukhara and the Russian political agency.....	8
1.1.The brief history of paper manufacturing.....	8
1.2.Russian papers and their introduction to Central Asia.....	12
II Chapter. The methods of the differentiation of papers used in the chancelleries of the Emirate of Bukhara and the Russian political agency.....	18
2.1 The external properties of papers and the skills of their identification.....	18
2.2. The usage and the conditions of maintenance of the papers.....	22
III. Chapter. Special insignia in the papers and their peculiarities.....	26
3.1 Filigran papers processed in the Russian factories.....	26
3.2 Imprinted papers used in correspondence between the countries....	41
Conclusion.....	52
Recommendations.....	55
Bibliography.....	56
Summary.....	59
Appendix.....	61

ОЙБЕК КЛИЧЕВ

**БУХОРО АМИРЛИГИ ДЕВОНХОНАСИДА
ФОЙДАЛАНИЛГАН ФАБРИКА ҚОҒОЗЛАРИ
(XIX аср охири - XX аср бошлари)**

**Рисола БухДУ Ижтимоий-иқтисодий факультети Илмий
кенгашининг 1-сонли йиғилиш баённомаси (29 август 2016 йил)
қарори билан нашрга тавсия этилган.**

**Мухаррир: Н. Рустамова
Мусаххих: М. Расулов
Техник муҳаррир: У.Кличев**

**Босишга рухсат этилди: 21.10.2016 йил. Times New Roman гарнитураси.
Офсет усули. Бичими 60x84 1/16. Шартли босма табағи 5.0. Наширёт ҳисоб
табағи 5.0. Адади: 100 нуска. Бумертин №8.**

**“Наврӯз” нашриёти. Лицензия №А1 170. 23.12.2009 йил.
Тошкент шаҳри. 100000 А. Темури кўчаси 19 уй.**

**МЧЖ “Sadriiddin Salim Buxoriy” босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри, М.Икбод кўчаси, 11-уй. Тел.: (95) 604-39-00**